



36
(1354)-son
7-sentabr
2018

Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ

СОНДА:

ҲАМКОРЛИК

АКТ вазирлиги вакиллари
ННН тингловчилари билан
учрашди **3-бет**

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

Юртга садоқатли, касбига
фидойи **4-5-бетлар**

КАКИЕ ТРЕБОВАНИЯ

предъявляются к крипто-
биржам в Узбекистане
6-бет

ҒАЛАБАГА

УНДОВЧИ КИТОБ

Улар қандай ғолиб
бўлдилар? **8-бет**

"ЎНГА ОЛ, СВЕНССОН!"

Швецияда қандай қилиб
автомобиллар чапдан
ўнга олиб ўтилгани ҳақида
10-бет

ПУЛ ЁКИ ДАЛАЙ-ЛАМА

Хитой Тибетга миллиард-
лаб доллар инвестиция
киритмокда **12-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА

Амазон компанияси
қиймати 1 трлн.
доллардан ошди **13-бет**

ЎЗБЕКИСТОН — МИСР

Миср президенти Абдулфаттоҳ
Саид Хусайн Халил ас-Сиси
4-5 сентябр кунлари расмий
ташриф билан мамлақати-
мизда бўлди.

Турли соҳаларда
ҳамкорлиқни кўзда тутувчи

**12 ҲУЖАТ
ИМЗОЛАНДИ.**

Ўзбекистон — Миср бизнес
форумида умумий қиймати

400 млн.

доллардан зиёд
шартномалар имзоланди.



Sohaning eng ahamiyatli tadbiri

AXBOROT-KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI HAFTALIGI

Information and Communication
Technologies Week 2018

24-29 sentabr
Toshkent, Jizzax
www.ictweek.uz



MITC

O'zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari
va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi
www.mitc.uz



ICTWEEK UZBEKISTAN-2018:

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ҲАФТАЛИГИ ЎТАДИГАН КУНЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

Бу йилги Ўзбекистон ахборот-ком-
муникация технологиялари ҳафталиги —
ICTWEEK Uzbekistan-2018 24—29 сен-
тябр кунлари Тошкент ва Жиззахда
ўтказилди.

ICTWEEK Uzbekistan — мамлақати-
миз ахборот технологиялари соҳасидаги

энг муҳим ва кенг қўламли тadbир. Унда
ахборот технологиялари соҳасида эри-
шилган натижалар ва амалга ошири-
лаётган лойиҳалар намойиш этилади ва
муҳокама қилинади.

ICTWEEK Uzbekistan-2018 ҳафтали-
ги доирасида ўтказиладиган тadbirlar

Тошкент шаҳрида:

- Матбуот анжумани
- ICTEXPO-2018 — ахборот техноло-
гиялари анъанавий йиллик кўргазмаси
- DIGITAL UZBEKISTAN форуми
шунингдек, бошқа тadbir ва тақ-
димотлар.

2-бет ▶

АКЦИЯ

"ДАСТУРЛАШ СОАТИ" АКЦИЯСИДА 300 НАФАРГА ЯҚИН БОЛА ҚАТНАШДИ

2018 йилнинг 4 сентябр
куни Тошкент шаҳридаги
ИНҲА университетида 9
ёшдан 15 ёшгача бўлган бо-
лалар учун ўтказилган кузги
"Дастурлаш соати" акциясида
300 нафарга яқин ўғил-қиз
иштирок этди.

Мазкур акция Ўзбекистон
Республикаси Мустақиллиги-
нинг 27 йиллиги муносабати
билан ўтказилиб, болаларни
дастурлаш оламига жалб
этишга мўлжалланган эди.

Лойиҳа доирасидаги дас-
турлаш курслари "Scratch" ти-
лида ўтилиб, "Android" мобил
иловалари асосида веб-сайт-
ларни яратиш ўргатилади.

Тошкент шаҳридаги
ИНҲА университети ахборот
технологиялари ва коммуни-
кация соҳасида ёшларнинг
ижодий салоҳиятини ривож-
лантириш учун қулай шарт-
шароитлар яратиш мақсади-


да бундай акцияларни мун-
тазам ўтказишни режалаш-
тирмоқда.

2015 йили университет 9

ёшдан ошган ўғил-қизлар
учун "Codecraft" лойиҳасини
ишга туширди. Лойиҳанинг
мақсади — болажонларнинг

барча салоҳиятларини рўёбга
чиқариб, компютерда ижо-
дий ишларни бажаришга
ўргатишидир.





31 август кунни пойтахтимиздаги "Шахидлар хотираси" ёлгорлик мажмуасида Қатагон қурбонлари кунни муносабати билан халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёл этини маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Шу кунни Президентимиз Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйди.

31 август кунни мамлакатимиз тарихида биринчи марта чет элликларга Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларини топиширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади ва мукофотларни топишди. Шунингдек, шу кунни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бир гуруҳ юртдошларимизга фахрий унвонлар, орден ва медалларни топириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Шавкат Мирзиёев давлат мукофотларини тантанали равишда топишди.

31 август кунни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва барчани энг улду, энг азиз байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 сентябр кунни пойтахтимиздаги Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёлгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Биринчи Президент хайкали пойига гулчамбар қўйди. Буюк йўлбошчимизнинг ерқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Шу кунни пойтахтимиздаги "Наврўз" маросимлар уйида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига бағишлаб аҳсон дастурхони ёзилди. Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Киргизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбековнинг тақлифига биноан 2018 йил 3 сентябр кунни ташриф билан Киргизистонда бўлди ва Чўпонота шаҳрида ўтказилган Туркийзабон давлатлар ҳамкорлиги кеңашининг саммитида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Халил ас-Сиси 4-5 сентябр кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида ёшлар, спорт, инвестиция, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандумлари, таълим, туризм, археология, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга доир битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми сингари жами 12 ҳужжат имзоланди. Миср Президентининг ташрифи доирасида ўтган Ўзбекистон — Миср бизнес-форумида умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд шартномалар имзоланди.



ICTWEEK UZBEKISTAN-2018:

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ ЎТАДИГАН КУНЛАР МАЪЛУМ БЎЛДИ

«1-бет.

Жиззах шаҳрида:
■ Матбуот брифинги
■ "Болалар учун ахборот технологиялари" акцияси
■ Минтақавий ICTEXPO-2018 кўргазмаси
■ Минтақавий форум.

24 сентябр. Тошкентдаги Миллий матбуот марказида матбуот анжумани бўлиб ўтди — у ICTWEEK Uzbekistan-2018 ҳафталигини очиб берди. Шу кунни журналистлар ҳафталик ҳақида батафсил маълумот ва барча саволларига жавоб олишлари мумкин.

25 сентябр. Жиззах шаҳрида матбуот брифинги ҳамда "Болалар учун ахборот технологиялари" акцияси бўлиб ўтди.

26 сентябр. Пойтахтдаги "Ўзэкспомарказ" МККнинг анжуманлар залида DIGITAL UZBEKISTAN форуми бўлиб ўтди.

27 сентябр. Жиззах шаҳрида "Жиззах вилояти: инвестициялар, инновациялар, ахборотлаштириш" минтақавий 3i форуми бўлиб ўтди.

26—28 сентябр. Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг муҳим воқеаси — ICTEXPO-2018 кўргазмаси ўтказилди.

26-27 сентябр. Жиззах шаҳрида Тошкентдаги ICTEXPO-2018га параллел равишда минтақавий кўргазма бўлиб ўтди.

ICTEXPO-2018да ахборот технологиялари ва хизматлари бозорига тақдим этилаётган замонавий технологиялар ва ечимлар намоиши этилади. Ушбу кўргазмада ахборот технологиялари соҳасидаги сўнгги тенденцияларга ихтисослашган маҳаллий ва хорижий компаниялар иштирок этди: уяли алоқа компаниялари, вендорлар, дастурий таъминот, тизим интеграторлари ишлаб чиқарувчи компаниялар ва бошқалар.

АКТ ҳафталиги доирасида кўплаб бошқа тадбирлар ҳам ўтказилди. Янгилекларни

ICTWEEK Uzbekistan-2018нинг "Facebook"даги саҳифаси ва "Telegram"даги канали орқали кузатиш мумкин.

Бу йилдан бошлаб Форум ва кўргазмага кириш учун www.ictweek.uz расмий сайтида рўйхатдан ўтиш ва QR-кодини олиш зарур, бу иштирокчилар ва ташриф буюрувчиларнинг вақтини тежаш ҳамда тadbир кунни рўйхатдан ўтишни осонлаштириш учун қилинган.

ICTWEEK Uzbekistan-2018 ҳафталигига 29 сентябр кунни мукофотлаш маросими якун ясайди.

АКТ ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмагида ўтказилди. Ташкилотчилар — "ICTNEWS Conferences" ("CIBGROUP" МЧЖ) ва Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси (Жиззах ш.).

ТАНТАНА

ТАТУ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ: ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ — ЯНГИ ҚАДАМЛАР

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида янги 2018/2019-ўқув йили бошланиши муносабати билан тантанали маросим ўтказилди.

Тадбирни филиал директори, физика-математика фанлари доктори, профессор А.Холжигитов кириш сўзи билан очди ва ёшларни талабалик бахтига муяссар бўлганлиги билан қизғин қўтлади.

Талабаларга юртимиздаги ислохотлар мазмун-моҳияти, жумладан, таълим соҳасида чиқарилган қарорлар юзасидан тушунчалар берилди.

Шунингдек, талабаларга ТАТУ ва унинг филиалларида янги ўқув йилидан бошлаб жорий этилган кредит тизими, Жанубий Корея, Франция ва Малайзия каби нуфузли чет эл олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилинаётгани ҳақида сўзлаб берилди.

Давлат гранти асосида юқори баллар билан филиалга қабул қилинган талабаларнинг ота-оналарига табрикномалар ўқиб эшиттирилди ва топишрилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд
вилоятидаги мухбири

АКТ ВАЗИРЛИГИ ВАКИЛЛАРИ ННІ ТИНГЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ



Тошкентда АКТ вазирлиги вакиллари ҳамда Корея Республикаси инсон ресурсларини ривожлантириш Миллий институти (ННІ) тингловчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

ННІ делегациясининг Ўзбекистонга ташрифидан мақсад, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва бошқа давлат органлари фаолияти билан танишишдан, шунингдек, давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайти-

риш масалаларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон томони меҳмонларни келажакда АКТни ривожлантириш йўналишлари ва истиқболлари, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрларни тайёрлаш бўйича, хусусан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети фаолияти ва бошқалар билан таништирди.

Корея делегацияси аъзолари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича республикада олиб борилаётган ишлар бўйича Ўзбекистон АТ-мутахассислари томонидан ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

ННІ 1949 йилда ташкил этилган ва Кореяда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси аналог) бўйича асосий ўқув-таълим муассасаси ҳисобланади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ, 2018 йилнинг 24-26 июн кунлари ННІ президенти О Донг Хо ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Корея Республикаси инсон ресурсларини ривожлантириш Миллий институти ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЧЕКЛАШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Бутунжаҳон интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган интернет тармоғи веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайт саҳифаларидан фойдаланиш-

ни чеклаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Низомга кўра Тақиқланган ахборот мавжуд бўлган бутунжаҳон интернет тармоғидаги ахборот ресурслари реестри юритилади. Ушбу Реестрга киритилган ахборот ресурсларидан фойдаланиш чекланади.

Интернетдаги ахборот ресурсларидан фойдаланишни чеклаш уч босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда, тақиқланган ахборот мавжуд бўлган ресурслар аниқланади. Ушбу босқичдаги ҳаракатлар Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази томонидан амалга оширилади. Марказга юридик ва жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда келиб тушган мурожаатлар ҳам мониторинг олиб боришга асос бўлади.

Мониторинг натижасида тақиқланган ахборот мавжуд бўлган интернет тармоғи ахборот ресурси аниқланган тақдирда Марказ бу бўйича ҳулоса тайёрлайди.

Иккинчи босқичда ахборот ресурси Реестрга киритилади. Реестрга киритиш учун Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг ҳулосаси ҳамда Оммавий коммуникациялар соҳасидаги Эксперт комиссиясининг қарори асос бўлади.

Учинчи босқичда ваколатли орган — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан интернет тармоғидаги ахборот ресурсларини чеклаш бўйича ташкилий техник тадбирлар амалга оширилади.

Эслатиб ўтаимиз, қонунликка мувофиқ веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан, блогер томонидан веб-сайтда

ва (ёки) веб-сайт саҳифасида қуйидаги ахборотларни тарқатиш, ушбу ресурсни чеклашига олиб келади:

■ Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартаришга даъват этиш;

■ уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш;

■ давлат сирини бўлган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор этиш;

■ миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўйувчи ахборотни тарқатиш;

■ гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

■ порнографияни тарғиб қилиш.

Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг эгаси, шу жумладан, блогер веб-сайтга ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ахборотни жойлаштиришдан аввал унинг тўғрилигини текшириши, шунингдек, жойлаштирилган ахборотнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда уни дарҳол ўчириб ташлаши шарт.



ҚУВОНЧИМ ЧЕКСИЗ



Шу кунларда ниҳоятда бахтиёрман. Негаки, ҳар бир ўзбекистонлик учун қадрли ва қутлуг байрам арафасида ҳарбий соҳадаги камтарона меҳнатим юқори баҳоланиб, давлатимизнинг юксак мукофоти — “Шуҳрат” медалига сазовор бўлдим. Бу менинг кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшиб юборди.

Айтишимиз мумкинки, айнан мустақиллик бизга эркин ва озод давлатнинг ўз Қуролли Кучларини ташкил қилиш ҳуқуқини берди. Амалга оширилган туб ҳарбий ислохотлар натижасида мамлакатимиз хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва республикаимиздаги барқарорликни, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашга қодир бўлган янги, ҳаракатчан, юксак жанговар қобилиятга эга, замонавий қурол-яроғ ва жан-

говар техника билан жиҳозланган, юқори талаб ва стандартларга жавоб берувчи миллий армиямиз яратилди. Мен шундай миллий армиямиз сафида хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан 2018 йил 9 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза доктринаси тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни янги босқичга кўтарди.

Айниқса, доктринанинг очиклиги, маъмурий-хуудий секторлар ташкил этилганлиги натижасида армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти



органлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг кучайтирилгани, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор қаратилганлиги биз каби ҳарбийлар учун катта имкониятдир.

Шуни алоҳида таъкидлашманки, давлатимиз чегаралари, мамлакатимиз суверенитети ва хуудий яхлитлиги ҳамда йўртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, халқимиз осой-

ишталиги ва фаровонлигини ишончли ҳимоя қилиш учун бундан кейин ҳам бор билим, салоҳият, куч-қувватимизни аямаймиз.

Баҳодир НЕЪМАТИЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси санитар-йўриқчиси

ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

ЮРТГА САДОҚАТЛИ, КАСБИГА ФИДОЙИ

Ахборот асрида, техника тараққиёти даврида яшаймиз. Ҳар кунни ҳаётимизга оламшумул янгиликлар кириб келмоқда. Жаҳондаги барча воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлиш учун сонияларгина кифоя бўлиб қолди. Биз сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий юксалишлар поғонасида-миз. Барча ҳаракатларимиз, меҳнатларимиз ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланаётганлиги ҳар бир қадамда бизга куч ва ғайрат бахш этаётганлигини кўплаб замондошларимиз эътироф этмоқда. Ана шундай юртга садоқатли, касбига фидойилардан бири Али Йўлдошевдир.

Али Йўлдошев “Ўзбектелеком” АК Навоий филиали техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш хизмати бошлиғи сифатида узоқ йиллардан буён хизмат қилмоқда.

— У телекоммуникация технологиялари техник эксплуатациясини ташкил этиш бўйича малакали мутахассислардан бири, — дейди филиал директори Жамшид Жўраев. — Вилоятимизда амалга оширилаётган ишларда бевосита унинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. 655 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилаётган корхонамиз вилоятда мавжуд 43та шаҳар ва 28та қишлоқ автоматик телефон станциялари орқали 65674 абонентга телекоммуникация хизматларини кўрсатиб келяпти.

Кейинги 2015-2017 йилларда филиалнинг умумий хизмат кўрсатиш ҳажми 51,5 миллиард сўмни ташкил этди.

А.Йўлдошев бошқараётган техник қўллаб-қувватлаш



ва янги техникани тестдан ўтказиш хизмати вилоят бўйича рақамли электрон станцияларга техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация жараёнида содир бўладиган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш, шаҳар ва қишлоқ телефон станцияларига замонавий телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш ишларини бажаради. У сўнгги уч йилда Навоий вилоятининг иккита шаҳар ва учта туманида тармоқни ривожлантириш, телекоммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш ҳамда замонавий технологияларни тармоққа жорий этиш ишларида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий оператори “ЎзМобайл” уяли алоқа компаниясининг база станцияларини кўпайтириш бўйича вилоятда 2016-2017 йиллар давомида 62,2 км. масофада оптик толали алоқа линиялари тортиш ишлари бажарилди. Охириги қурилмалар ўрнатилиб, монтаж ишлари якунланишида А.Йўлдошевнинг ҳам ҳиссаси бор.

Али Йўлдошев 2015-2016 йилларда вилоят абонентларига юқори сифатли телекоммуникация хизматларини тақдим этиш мақсадида FTTb (оптик толали алоқа кабеллини уйга етказиш) лойиҳаси бўйича

Навоий шаҳрида 12,3 км., Зарафшон шаҳрида 4,125 км., Учкудуқ шаҳрида 5,29 км. оптик толали алоқа линиялари қурилишида ҳам иштирок этиб, жараёнида бевосита бошқариб борди.

У мазкур даврда Навоий шаҳри ва Кармана туманида қурилган намунавий уйларда “mini MSAN” қурилмаларини ўрнатиш, янги барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган қишлоқ масивларини телефонлаштириш мақсадида “Малик”, “Варқ” масивларига оптик толали кабеллар ётқизиш ишларида ҳам қатнашди.

Қаҳрамонимиз бугунги кунда ёш мутахассисларга касб маҳоратини ўргатиш мақсадида, Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўндан ортиқ ёшларига техник хизмат кўрсатиш асослари бўйича амалий ва ўқув ишларини олиб бормоқда.

Ўзининг бой тажрибаси, ташкилотчилиги, билим ва маҳорати билан корхона жамоаси орасида ҳурмат-эътиборга лойиқ замондошимиз Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги муносабати билан тақдирланганлар қаторидан ўрин олди. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Фахрий ёрлигини олишга сазовор бўлди. Касбини шарафлаган ҳар бир инсонга шундай улуг эътироф ва эъзозлар насиб этсин, деймиз.

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий вилоятидаги мухбири

БАХТ КУЛИБ БОҚДИ

МОҲИР АЛОҚАЧИ

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, улар ҳақида гап кетгудай бўлса, фақат яхши фикрлар билдиришди, феъл-атворидаги муҳим жиҳатларини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишди. Бундайлар нафақат ҳаёти, юриш-туриши, балки ишдаги муваффақиятлари билан ҳам эл олқишига сазовор бўлишди. “Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонаси техник радионазорат станцияси етакчи муҳандиси Муҳаммад Амин Зиятдинов ҳам ана шундай инсонлардан бири. У киши алоқа соҳасида 33 йилдан бери самарали фаолият юритаётган бўлса, унинг 20 йили мазкур корхонада ўтганлиги билан аҳамиятлидир.

— Муҳаммад Амин Зиятдинов корхонамизда радиомониторинг тизими қурилишида замонавий технология-

ларни жорий этиш бўйича ма-лакали ва талабчан мутахассис сифатида танилган, — дейди “ЭМММ” ДУК бош-лиги ўринбосари Авазхон Ҳошимхўжаев. — У етти йил-дан бери ўзига топширилган масъул вазифа — техник ра-дионазорат станцияси етакчи муҳандиси сифатида респуб-ликаимизнинг барча вилоят марказларида ўрнатилган ра-диомониторинг тизимини лойиҳалаштириш, шунинг-дек, ушбу тизимни ривож-лантиришнинг иккинчи ва учинчи босқичларида радио-мониторинг миллий тизими-ни амалга оширишда фаол иштирок этяпти.

Муҳаммад Амин Зиятдинов иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси ра-диомониторинг тизимини яра-тиш доирасида ускуналарни ўрнатиш ишларини самарали

бошқарди. Натижада, респуб-лика ҳудудида радиоэлектрон во-ситадан фойдаланиш учун берилган радиочастоталар назо-рати янада ривожланди, радио-халлақлар манбаларини аниқ-лаш ва чегара зонасида қўшни давлатлардан радиосигналлар-нинг кириб келиши назорати такомиллаштирилди. Шунинг-дек, Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоятларда-ги таркибий тузилмаларида ра-диочастота спектриндан фойда-ланишни тартибга солиш, ра-диочастоталардан фойдаланиш учун рухсатномалар бериш, ра-диочастота тақдиротларини рўйхатга олиш ва улардан фой-даланиш устидан назорат олиб борапти.

— Ҳаёт тез оқар дарё экан, — дейди Муҳаммад Амин Зиятдинов. — Кечаги-на шоғирд сифатида устоз алоқачилардан касб сирлари-

ни ўрганган эдим. Бугун, минг шукрки, ўзим ҳам ус-тозлар сафиданман. Қатор шо-ғирдларим билан биргалик-да корхонада жорий қилин-ган сифат менежменти тизи-мини вилоят таркибий ту-зилмаларида жорий этишга ҳаракат қиляпмиз.

Республикаимиз Давлат мус-тақиллигининг 27 йиллиги арафасида М.Зиятдиновга ҳам бахт кулиб боқди. Соҳа ривож-ига муносиб улуш қўшган фи-дойилар қаторида унга ҳам “Моҳир алоқачи” фахрий унво-ни берилди. Ҳамкасблари, шо-ғирдлари, таниш-билишлари табригидан кўнгли шодликка тўлди. Бу ҳурмат-эътибор, эҳти-ром ва эътироф унинг узоқ йиллик меҳнатларига берилган муносиб баҳо, аслида.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Xabar” мухбири

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

УСТОЗДАН ЎЗГАН ШОГИРД

Шундай инсонлар борки, му-кофот учун ишламайди, шунчаки виждон амри билан меҳнат қила-ди. Абдулазизжон Аҳмедов шун-дайлар сирасидан. Мустақиллиги-мизнинг 27 йиллиги муносабати билан вазирликка мукофотга тақ-дим этилганлар рўйхатига тушган-ини эшитганда, бунга унчалар аҳамият беравермади. “Мен бир оддий кабелчи бўлсам, соҳамиз ривожига мендан кўпроқ ҳисса қўшаётганлар, эҳ-ҳе, қанчадир?”

Ажабки, унвон ортидан қув-маган бўлса ҳам катта унвон ўзи излаб келиб турибди-ку! Алоқа музейининг маҳобатли залида тақ-дирлаш тантанасида аланечук қимтиниб ўтирар экан, исми-ша-рифи жаранглаганда ҳаяжонлари ортданган ортиб кетди. Оббо, ёш болага ўхшаб-а. Мукофотни қан-дай олди, қандай қайтиб жойига ўтирди — эсласа ҳозир ҳам галаги ақволга тушади. Табиийки, соҳага келган илк йиллари бир-бир ҳаё-лидан ўтди. Ватан олдидаги йигит-лик бурчини Эстониядаги алоқа қисмида ўтаганини эшитиб, ўша пайтдаги туман алоқа тармоғи раҳ-бари Абдухалил Яхшиев уни мам-нуният билан ишга тақлиф этди. Турли вазифаларда ишлади. Лекин унинг кўнглига линия кабелчилиги мақбул тушди, мана, беадад шукр-ларки, 32 йиллик кабелчилик таж-рибасига эга. Бугун Ўзбекистон ту-ман телекоммуникациялар боғлама-сидаги жамоа ёшларининг ҳаммаси уни устоз, деб ардоқлайди. Биноба-рини, Абдулазиз ҳам беназир устози — “Шукрат” медали соҳиби Исро-ил ака Каримовни шундай эҳтиром-лайди. Пурмаёно суҳбатларидан тил-лалардан қиммат сабоқлар уқиб, ду-нёси ёришиб, чарқоқлари аригани-ни ҳам билмай қолади. Тақдирда шундай устоз битилган экан, бу ҳам унинг омади, бахти.

— Бу болани ўзингиздек кабел-чи қилиб тарбияланг, дейишган кундаёқ сезганман: “ракетний вой-скада хизмат қилиб келдим”, дея



димогидан қурт ёғилдиган шавво-лардан эмас, ўта камтар, лаганбар-дорликдан, ясамаликдан мутлақо йироқ, “Тайёрман” дегувчи аскар турарди рўпарамда, — эслайди Исроил ака. — Меҳнат-машаққатдан қочмайди, ўрганишга ташна йигит қисқа фурсатлардаёқ кўнглим-га ўтиришиб қолди, бир-икки йил-даёқ устоздан ўзган шоғирдга ай-ланди. Шоғирдимнинг мукофотлан-ганидан бошим осмонга етди. Фи-лиалимиз, вазирлигимизга шоғир-димга кўрсатилган эътибор учун ўзимнинг чексиз миннатдорлигим-ни етказинг. Асло кам бўлишма-син, умрларидан барака топишсин.

— Ҳа, соҳамизни тараққий эт-тириш йўлида не-не заҳматлар чеккан устозимиз билан фахрла-намиз, — дейди туман ТБ раҳба-ри Равшанбек Маҳмудов. — Жа-моамизнинг хурсандчилигини ай-тинг. Бари дўпписини осмонга от-ган, бир-бирини табриклаган... Қаҳратон қиш демай, жазирама ёш демай, қору жалаларда ҳам огрин-май ишлаган устозимизнинг йўлини бизга ҳам берсин, йлоҳим. Меҳнат қилиб роҳатини кўриш бахти ҳаммага ҳам насиб этсин.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

ДАВИД — КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тош-кент ахборот технологиялари университети Нукус филиали “Дастурий инжиниринг” фа-култети 4-босқич талабаси Давид Қонарбаев-нинг бугун қувончи чексиз. У Мустақиллиги-мизнинг 27 йиллиги арафасида “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирланди.

Давид ўзининг ўтқир зеҳни ва тиришқоқ-лиги билан инновацион гояларни ҳаётимизга татбиқ этаётган ёш дастурчи тенгдошлари ора-сида алоҳида ажралиб турлади. У шунингдек, фи-лиалимизда бўлиб ўтаётган фан олимпиадала-рида ҳам жамоат ишларидаги каби фаол иш-тирок этади. Давид Қонарбаев Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либе-рал-демократик партияси ҳамда “Ёш дастур-чи” олимпиада жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи филиал бошланғич ташкило-тининг ин-новацион гояларни ривожлан-тириш йўналиши етакчиси.

Яқинда “Чет тила-рини ўрга-тувчи энг яхши дастур ва қурилма-лар” респуб-лика танло-ви ўтказил-ган эди. Да-вид шу тан-ловда иштирок этиб, 3-ўрин эгаллади. У “Qalpaqsha” дастури муаллифи ҳамдир.

— Истеъдодли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган, уларнинг интел-лектуал салоҳиятини ошириш, илмга ча-нқоқ ёш ихтирочи дастурчилар учун ҳамма шароитлар яратиб берилаётган жонажон кўртимиз ривожига ҳисса қўиш бизнинг энг муҳим вазифамиздир, — дейди Давид биз билан суҳбатда.

Саламат АВЕЗОВ,
ТАТУ Нукус филиали лаборанти

КАКИЕ ТРЕБОВАНИЯ ПРЕДЪЯВЛЯЮТСЯ К КРИПТО-БИРЖАМ В УЗБЕКИСТАНЕ

Президент Шавкат Мирзиёев подписал 2 сентября постановление «О мерах по организации деятельности крипто-бирж в Республике Узбекистан».

В документе напоминает, что согласно постановлению от 3 июля, оборот крипто-активов регламентируется специальными нормативно-правовыми актами. Операции, связанные с этим оборотом, не облагаются налогом, а доходы не включаются в налогооблагаемую базу.

Что такое крипто-биржи?

Крипто-биржей признается организация, которая предоставляет электронную площадку для обмена, покупки и продажи крипто-активов.


Крипто-активами являются совокупность записей в блокчейне, имеющая ценность и владельца.

На деятельность по обороту крипто-активов и крипто-бирж не распространяется законодательство о ценных бумагах, биржах и биржевой деятельности.

Как открыть крипто-биржу?

Надо получить лицензию. Она выдается исключительно иностранным юридическим лицам посредством открытия дочерних или иных предприятий на территории Узбекистана.

Для открытия крипто-биржи должен быть уставной фонд в размере не менее 30 тыс. МРЗП (5,5



млрд. сумов). Из них 20 тыс. резервируются на отдельном счете в банке Узбекистана.

У компании должны быть работающая электронная система крипто-биржевых торгов, размещенная на серверах, которые находятся на территории Узбекистана, а также правила крипто-биржевой торговли.

В этих правилах обязательно должны быть прописаны:

- порядок допуска к крипто-биржевым торгам участников;
- меры, направленные на обеспечение выполнения требований законодательства о противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности и финансировании терроризма;

• процедуры допуска к обращению и исключению из обращения крипто-активов;

• порядок осуществления и регистрации операций с крипто-активами;

• порядок взаимных расчетов участников крипто-биржевой торговли при заключении сделок;

• размер платы за пользование услугами крипто-биржи и порядок его определения;

• меры по предотвращению манипулированием ценами на крипто-бирже и неправомерного использования конфиденциальности данных;

• запрет на использование крипто-активов в противоправных целях.

Как будут работать крипто-биржи?

Котировки на крипто-активы будут формироваться на основе соотношения спроса и предложения по ним.

Информация об операциях с крипто-активами клиентов, а также их идентификационных данных и материалов по взаимоотношениям с клиентами, включая деловую переписку, будут храниться в течение 5 лет.

Крипто-биржи смогут получать вознаграждение за оказываемые услуги, в том числе крипто-активами, устанавливая его размер и порядок взимания с клиентов (участников торгов).

На биржах будут проводиться сделки с резидентами и нерезидентами Узбекистана, направленные на куплю-продажу крипто-активов за национальную и иностранную валюту, а также обмен крипто-активов на другие крипто-активы.

Земля для майнинга

Для промышленного майнинга (использование свыше 100 кВт/ч) земельные участки предоставляются без проведения электронного аукциона на специальных территориях (их будут определять «Узбекэнерго» и другие ведомства).

Национальному агентству проектного управления поручено в течение месяца:


- утвердить порядок лицензирования деятельности крипто-бирж;
- внести предложения об изменениях и дополнениях в законодательство.

СЕРВИСЫ

BEELINE ПРЕДОСТАВЛЯЕТ УСЛУГИ ДАТА-ЦЕНТРА ДЛЯ ПОДДЕРЖКИ ИТ-ОТРАСЛИ НА ВСЕЙ ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Beeline построил мощную специализированную площадку для размещения серверного, коммуникационного и инженерного оборудования, с высокой степенью надежности и резервирования систем. Доступ к сервисам дата-центра организован по двум независимым оптическим каналам связи, что обеспечивает высокую надежность и возможность предоставления пользователям получить доступ к сервисам дата-центра со скоростью до 100 Мбит/с.

С помощью услуг дата-центра Beeline, потребители могут сократить издержки связанные с владением собственной ИТ-инфраструктурой, по-



лучить качественный и надежный сервис.

На сегодняшний день большое внимание к дата-центру оказывает B2B сегмент, в основном малый и средний бизнес. Они заинтересованы в обеспечении высокой надежности, доступности и безопасности собственных ИТ-ресурсов, защищенности своих баз данных, скоростных каналах связи.

«BeeCloud построен на основе новейших технологий и мировых стандартов, предоставляемых к современным центрам обработки данных. Обеспечен современными системами информационной безопасности, видеонаблюдения, бесперебойного электроснабжения, кондиционирования, пожаротушения, что позволяет организовать как «виртуальную» защиту ИТ-ресурсов от взлома, так и физическую охрану оборудования. ЦОД BeeCloud ориентирован на удовлетворение потребностей наших клиентов, — комментирует директор по информационным тех-

нологиям ООО Unitel Евгений Когай. — Облачный центр обработки данных — это уникальный программно-аппаратный комплекс, который позволяет консолидировать на единой площадке вычислительные ресурсы разных компаний, гибко и оперативно управлять ими, качественно решать их бизнес задачи».

Дата-центр BeeCloud гарантирует заказчикам непрерывность предоставления сервисов и высокую производительность.

Получить более подробную информацию можно на сайте <https://cloud.beeline.uz>

MOBICON 2018

ЗАПУЩЕН ОФИЦИАЛЬНЫЙ САЙТ И РЕГИСТРАЦИЯ НА КОНФЕРЕНЦИЮ Mobicon 2018 в Ташкенте

Желающие посетить конференцию Mobicon 2018 в качестве слушателей уже могут пройти регистрацию на мероприятие на официальном сайте — Mobicon.uz. На сайте также можно изучить подробную

информацию о мероприятии, ознакомиться со спикерами и оформить заявку на покупку VIP-билета.

Уже сейчас на Mobicon.uz доступна информация о подтвержденных спикерах, которые будут выступать в рамках конференции с докладами. В ближайшие несколько недель будет также опубликована полная программа выступления участников.

По традиции, Mobicon 2018 пройдет в гостинице International Hotel Tashkent и только один день — 11 октября. Участие в качестве слушателя бесплатное. Для получения пропуска потребуются регистрация через официальный Telegram-канал. За три дня до мероприятия всем подпис-

чикам канала будет отправлен электронный пригласительный, который нужно будет показать на входе. Здесь же будут первыми публиковаться все новости о конференции и темы докладов спикеров.

Mobicon — уникальная для Узбекистана конференция в mobile-сфере, которая проводится третий год подряд. Ежегодно на ней выступают эксперты ведущих ИТ-компаний Узбекистана и мира. Среди участников: специалисты из Beeline, Google, «Яндекса», «Одноклассиков», YouTube, Mail.ru Group и многие другие.

Организатор мероприятия — медийное агентство Ledokol Group, также организующее с 2011 года интернет-конференцию USUNET.

MOBICON 2018

Большая мобильная конференция

11 Октября, Отель International Tashkent

РЕГИСТРИРУЙСЯ

КУПИ VIP БИЛЕТ

ГРОССМЕЙСТЕРЛАРНИ КИМ ТАРБИЯЛАЙДИ?



дуллаев билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик. Тадбиркорлиги ва моҳир ўқитувчилиги билангина эмас, шахматсеварлиги билан ҳам ҳурмат қозонган Шухрат домла суҳбатини шундай давом эттирди:

— Мен шахмат ўйнай бошлаганимда тўрт ёшда эдим. Ушанда акам Муҳаммаджон Тошкентдан шахмат олиб келиб ҳаммамизга — беш нафар ўғил, икки нафар қиз — биз укаларига астойдил шахмат сирларини ўргатган эдилар. Бунинг учун акамдан ва интилишларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси отамиз Аҳмаджон Абдуллаевдан чексиз миннатдоримиз. Мен мактабда ва институтда ўқиш йилларимдан то ҳозиргача турнирларда голиблик ва совриндорлик завқини суриб келаман. Санъат, маданият ва ақл гимнастикаси бўлган шахмат ҳаётимга бошқача маъмул, ўзгача шавқ бағишлайди.

Шахмат ўйнайдиган киши қайси касб эгаси бўлмасин, унга бу ўйиндан олган билим ва қўникмалари ҳар қачон ҳар ишда асқотадди. Бирор иш бошлар экан барча вариантларини солиштириб кўради ва мақбулини танлайди. Етти ўйлаб бир кесади. Инсон миёсининг ўнг ва чап бўлмаларини бирдай ишлатади. Шахматчи IP технологияларини ҳам тез ва осон ўзлаштиради. Компютерлардаги жараёнларни шахматсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон чемпиони М.Ботвинник электротехника соҳасида техника фанлари доктори бўлган ва бутун умрини шахмат ўйини алгоритмининг яратилишга бағишлаган. Нобел мукофоти лауреати П.Капица эса илмий ишларида шахмат масалаларидан фойдаланган. Аниқ фанлар билан шуғулланган олимларнинг, буюк ёзувчи ва шоирларнинг кўпчилиги шахмат ўйинини қўйилатишган. Шу боис ҳам мен Президентимизнинг

“Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини зўр қувонч билан кутиб олдим.

“НЕВАРАЛАРИМ-НИНГ БЎШ ВАҚТИ ЙЎҚ”

Президентимизнинг маъмур қарори маросимнинг кўтаринки руҳида ўтишда ҳам акс этди. Ўғлибимни торпан яна бир жиҳат ота-оналарнинг ҳушунда ва ҳушқатлиги бўлди. Уларнинг бири Тошлоқ тиббиёт бирлашмаси ички дорихона провизори Озода Мирзамаҳмудова билан суҳбатимиз жуда мароқли кечди.

— Невараларим Муҳаммадзиз ва Зийдуллоҳ Иномовларнинг шахмат бўйича билими анча мустақамланганига гувоҳ бўлдик. Ҳар куни келиб далда бўлиб турдик. Муҳаммадзиз иккинчи ўринни олди. Укаси ҳам мукофотланди. Беадад шукр. Бобоси иккаламизнинг бор ташвишимиз битта — невараларни солиҳ, юртимизга шон-шараф келтирадиган қилиб тарбиялаш. Ёз ичи бир кун дам олишмади. Бир кун шахмат, бир кун таъкиддо, бир кун математикага қатнашди. Ўй ишларига ҳам солаамиз. Меҳнат нелигини билишсин. Умри давомида қоқилмасин, деймиз-да. Азонда қўйларни айлан-тириб келишди. Товуқлари, гозлари, жўжалари бор. Ўзлари қарашади. Ҳатто уларнинг илтимосига кўра, бобоси тўти ва канарейкаларни ҳам олиб берган. Ўй ҳайвонларигаю паррандаларга ҳамхўр, шахматга қизиққан боланинг ёмони бўлмайди, деб уйлаймиз. Мен бунга сира шубҳа қилмайман. Улар улуғ шахматчи, улуғ инсон бўлиб етишсин, дея кутун дуодамиз. Устозлари Адҳамжон Эминов ҳамда Алишер Абдуллаевлар асло кам бўлишмасин. Бизнинг жатарбандларимиз учун чеккан машаққатларнинг роҳатини кўришсин, дейман.

ШАХМАТГА ҚИЗЛАРНИ КЎПРОҚ ЖАЛБ ЭТИШ ЗАРУР

Фарғона шаҳридаги 225-АТС муҳандиси Фаридахон Рустамова ўғли Бекзод, ниҳоят, биринчи ўринни олганидан хурсанд — оғзи қулоғида эди. Энг кичкина 6 ёшли шахматчи Умида Қурбонова рағбатлантирувчи мукофотни олар экан, олқишлар ёғилгандан ёғилди.

— Қурдингизми, — деди у менга қараб. — Бу бежиз эмас. Қизларни шахматга жалб этиш ишларини кучайтириш керак экан, — дейди у умр йўлоши, Ўзбекистон чемпиони Алишержон Рустамовнинг ташвишларини назарда тутиб. — Қанча кучли-кучли қиз бола шогирдлар тайёрламади дейсиз, таассуфларким, улар турли сабабларга кўра спортни тарк этишди.

Дарҳақиқат, Алишер Рустамов каби шахмат мураббийларининг қуюнганча бор. Энди давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори бу йўлдаги сазй-ҳаракатларни яхшилашга хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

НАФИСА МЎМИНОВА ВА УНИНГ СИНГИЛЛАРИ

Чиндан ҳам қайсики қиз ёки ўғил бола спортда улкан ютуқларга эришган бўлса, ота-онаси турнирларда унинг қатнашиш учун йўл харажатларидан қочмаган бўлиб чиқади. Мен бу ҳақда илк марта талбиркор, спортчи, серкира инсон Алишердан 2002 йилнинг баҳорини

да вилоятимизда “Умид ниҳоллари” мусобақалари натижалари эълон қилинган кунда эшитганман. Ушанда қизи Нафиса адашмасам 10-12 ёшлардаги мактаб ўқувчиси эди. Фарзанди биринчи ўринни олганда Алишержон шодлиги ич-ичига сиймаётганининг гувоҳи бўлганман.

“Қизларим вақтики келиб гротсмейстер бўлишлари учун барча шарт-шароитларни муҳайё қиламан, — деган эди у қатъий қилиб. — Турнирларда иштирок этишлари, ўзим ҳам ёнларида бўлиш учун йўлқираларидан ҳар қанча бўлсин маблағни аямайман”.

Орадан шунча йил ўтиб ният-мақсадига етиб турибди-ку. Нафиса 2013 йилнинг баҳорида ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гротсмейстер, Гулруҳбегим эса 2018 йилнинг баҳорида муддатидан аввал Ўзбекистон чемпиони унвонларига сазовор бўлишиб ота-онасини хушбахт этишди. Нафиса билан Хулқаройлар ўзлари ташкил этган шахмат мактабида бўлгуси чемпионларни тайёрлашмоқда. Зеро, интилганга толе ҳамиша ёр, яхши ният эса — ярим давлат. Қиз болалар олий маълумот олсалар, спортда юксак мартабаларга эришсалар, демакки улар келажакда зукко она бўладилар, ўзлари каби тафаккури теран болаларни элга қўшадилар. Бежизга қиз болани ўқитсанг жамиятни ўқитган бўласан, ўғил болани ўқитсанг бир кишини ўқитган бўласан, дейишмаган.

Фарғона шаҳридаги 225-АТС муҳандиси Фаридахон Рустамова ўғли Бекзод, ниҳоят, биринчи ўринни олганидан хурсанд эди.

МУАЛЛИФДАН:

Шахмат федерацияси Фарғона вилоят бўлими раиси Раёил Восбўддинов билан болалигимизда Президент қароридан, мактабларда шахматга ўқитиш боқича-боқич қалбидан олиш, юқори талакани мураббий кадрлар тайёрлаш, шахмат клублари ва умумий ўрта таълим мактаблари шахмат сингилларини моддий-техника базаси мустақамлангани назарда тутиб чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиладиганидан ниҳоятда мамнуниевини билдирди. Яна унинг айтишича, вилоят бўлими фаолияти учун ҳам ҳеч қандай шароит йўқ ва улар ўз болалари бўлмаганидан беш йилдан буён ҳали у ерда, ҳали бу ерда қўлиб юришга мажбур бўлишмоқда. Қарор тўғрисида аниқ шундай қатор муаммолар қисқа муддатларда ечим топишдан умидворимиз, деди сўзининг охирида.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилаетидagi мухбири

УЛАР ҚАНДАЙ ҒОЛИБ БЎЛДИЛАР?



Бир кунда муваффақиятли бўлишнинг имкони йўқ. Омад эса бошқа нарса. Шубҳасиз, муваффақият қаттиқ меҳнат самараси. Аммо меҳнатнинг ўзи кифоя қилганида тиним билмас эшак дунёдаги энг муваффақиятли жонзот бўлиши керак эди. Муваффақиятли бўлишнинг ҳам ўз сирлари бор.

Савол туғилади, ғолиб инсонларни галабага бошлаган, оғир дамларда илҳомлантирган куч нима эди? Бу инсонлар ҳаётини синчиклаб ўрганиб чиқсак, улардаги умумий жиҳатларни кўришимиз мумкин.

Мақсадли ҳаракат ва уни севиш

Мақсад қанчалар аниқ бўлса, унга етиш ҳам шу қалар осон бўлади. Ўзимиз қилаётган ишга меҳр қўйиш эса муваффақиятга янада тезроқ етишимизга хизмат қилади. Аслида қанча ҳаракат қилганимиз эмас, тўғри йўлда ҳаракат қилаётганимиз ва унга қанчалар жиддий ёндашишимиз муҳим. Унутманг, нотўғри танланган мақсад ва иш — бутун умрлик душман.

Хато ва камчилигинингизни ён-атрофдагилардан сўраг

Ҳар доим муваффақиятсизлигинингизнинг омилларини аниқланг, яъни қилган хатоларингизни топиб, ожиз нуқтангизни билинг. Кўпчилигимиз бундай вазиятда бошқалардан шубҳа қиламиз, уларни ўзимизга душман ҳисоблаймиз ва нафратланамиз ёки нуқул айбдорни излаймиз. Бундай вазиятда баҳони ҳис-туйғулар эмас, ақлимиз бериши керак. Таниқли талбиркор Билл Гейтс айтгани каби, барчамиз бизга аслида қандай одам эканлиги-

мизни айтadиган дўстларга муҳтожмиз. Улар бизга ўз устимизда ишлашимиз учун керак.

Жамоа билан ишлаш

Агар биз сиз билан қўлимиздаги оламларни алмашсак, ҳар биримизда биттадан олма бўлади. Агар биз ўзимиздаги инновацион ғояларни ўртоқлашсак, ҳар биримизда 2тадан ғоя бўлади. Бу — жамоа бўлиб ишлашнинг афзал томони.

Бирор муваффақиятли одамдан сўрасангиз, муваффақиятнинг омиллари қаторида жамоа билан ишлашнинг аҳамиятини ҳам таъкидлайди. “Маслаҳатли ош тарқамас” ёки “Қўлдан қуён қочиб қутулмас” каби нақлларда ҳикмат бор. Ҳамкасбларни ҳурмат қилиш, иш юзасидан фикр алмашиш, уларга ёрдам беришга одатланиш керак. Бу олат инсоннинг оилавий ҳаётига ҳам таъсир ўтказди. Машҳур талбиркор Генри Форд айтгани каби, агар жамоа биргаликда ҳаракатланса, муваффақиятсизлик ҳам ўзи ҳақида қайғуриб қолади.

Муваффақиятсизликдан сўнг оёққа туриш

Муваффақият етти марта йиқилиб, саккизинчи марта оёққа туриш дегани. Оёққа туришни ўрганиш учун эса йиқилиш керак бўлади. Ҳар бир омадсизлик сабоқ бўлсин. Шуни англамасак, янада кучли, иродали бўлиб борамиз. Жанубий Африка Республикасининг етакчиси, таниқли сиёсий арбоб Нелсон Мандела айтгани каби, одамга унинг муваффақияти билан эмас, неча марта йиқилиб, неча маротаба яна оёққа турганига қараб баҳо бериш керак.

Чин дилдан кечирим сўраш

Баъзида уэр сўраш энг мушкул ишга ўхшаб

қўринади. Вазиятдан чиқиб кетиш учун уэр сўрамоқлик энг яхши имкон. Аммо у самимий бўлмаса, вазиятни янада чигаллаштиради. Кимнидир хатоингиз билан хафа қилсангиз, у инсонга бошқа бунга йўл қўймаслигингиз ҳақида билдиринг. Ҳиндистоннинг озодлиқ йўлбошчиси Маҳатма Гандининг фикрича, ожизлар кечирини билмалдилар. Бинобарин, кечиримлик — кучиларга ҳос фазилат.

Раҳмат айтиш

Атрофимиздаги одамларнинг, биз эътибор қилмайдиган ҳамкасбларининг, яқинларимизнинг ёнимизда эканликлари баъзида сезилмаса ҳам, улар бизнинг муваффақиятимиз учун хизмат қилаётган бўладилар. Тақдир — мисоли занжир! Ота-онангиз, турмуш ўртоғингиз, ҳамкасбларингиз, дўстларингиз, ҳамкорларингизга тез-тез миннатдорлик билдириб туринг. Бу олат ўзаро ришталарни мустаҳкамлайди.

Хокисорлик

Microsoft компанияси асосчиси Билл Гейтснинг айтишича, муваффақият яхши устоз бўла олмайди. У кўпинча инсонни такаббур қилиб қўяди.

Бировни назар-писанд қилмаслик — муваффақият йўлини тўсиб турадиган бош омил. Хокисор ва шикастанафас, тавозега тўла одамга барча эшиklar очилади. Бу олат ўз эгасининг ҳалол, диёнатли эканини англатади. Барчага тенг муносабатда бўлинг. Такаббурлик қанчалар баланд бўлса, муваффақиятсизликка дучор бўлиш даражаси ҳам шу қадар юқори бўлади. Таниқли адиб Робиндранат Тагор айтгани каби, эшикни мулойимлик билан тақиллатишни

уйлаган инсонга эшиклар доимо очик.

Тўғри, баъзида илмли, зиёли инсонларнинг ҳам такаббурликка ўхшаб феълига ғувоҳ бўламиз. Аслида бундай инсонларнинг қалбларида бошқа — хокисор қиёфа яширинган бўлади. Улар ўз қадр-қимматларини гурур билан ҳимоя қилмоқчи бўладилар. Улардаги асл қиёфани кашф қилиш ва улар билан дўст бўлиш учун уларга бизнинг ҳаётимиздаги ўриларини англаб етишларига ёрдам беришимиз керак.

Ўзгариш

“Ўзгариш — ўрганишнинг мевасидир” деган гапда жон бор. Дунёни кўриш учун аввало ўзгариш керак. Ҳаёт ҳам мунтазам янгилинишлар билан ғўзал. Ҳаёт қонунига кўра, атрофимиздаги одамлар, нарсалар, лаҳзалар, ҳислар, вазият мунтазам ўзгаради. Шундай пайт бўладикки, мослашиш энг яхши чорага айланади. Алберт Эйнштейн айтгани каби, муаммони уни юзага келтирган тафаккур билан ҳал қилиб бўлмагани боис, баъзида ўзгариш ёки қарашларни ўзгартришга тўғри келади. Унутманг, бутун биз ташлаётган қадам — келажакнинг ибтидосидир. Келажак эса — янгилиниш, ўзгариш билан аҳамиятли.

Қарор қабул қилганда иккиланманг

Қарор-танловлар — ҳаётнинг моҳияти, биз аслида ўз қарорларимизнинг натижасимиз. Иккиланиш ўз хоҳишини билмаслик боис юзага келади. Бу кўпинча ноқулай вазиятга сабабчи бўлади. Тушликда нима ейишга узоқ вақт бош қотирган одам ҳаётдаги муҳим қарорларни қабул қилишга ҳам қўйналади.

Қарор қабул қила олмагандан кўра, хато бўлса ҳам, ўз вақтида қарор қабул қилган яхши. Ҳеч бўлмаса хатодан тўғри хулоса чиқариш учун.

Зарур вазиятда “йўқ” дея олинг

Тўғри пайтда айтилган “йўқ” сизни ҳам, бу жавобни олган кишини ҳам муқаррар кўнгилсизликлардан ҳимоя қилади. Номуносиб одамга айтилган “йўқ” — муносиб одам учун имкон эшигини очади. Унутманг, ўзингизни шарҳламай туриб, доимо “Йўқ” дейиш ҳуқуқингиз бўлади. Дилингиздаги доимо тилингизда бўлсин.

Хайрихоҳлик ва ҳурмат кўрсатиш

Бутун хайрихоҳлик анқонинг уруғига айланиб қолди. Шу боис бўлса керак, одамлар ўртасида ўзаро ҳурмат ҳам камайиб қолгандек. Одамларга ҳурмат уларни тушунишга, улар ҳақида шошилиш хулоса чиқармасликка хизмат қилади. Бу олат сизга одамлар билан яхши муносабатда бўлишни ўргатади. Муваффақият охириқибат сиздаги одамларнинг кўнглига йўл топа олиш қобилияти билан ҳисобланади. Моҳир жанг санъати устаси Брюс Ли айтгани каби, билим сизга куч ва ишонч берса, феъл-атвориңгиз ҳурмат келтиради.

Ўз-ўзини бошқара олиш

Юқорида ҳам таъкидлаган эдим, инсоннинг энг улкан жанги ўз-ўзи билан кечади. Жаҳлни тийиш, ғазабни жиловланган инсоннинг ўзига бўлган ишончини оширади. Хитой файласуфи Лао Цзу айтганидек, бошқаларни бошқариш — куч, ўз-ўзини бошқариш — қудратдир.

Ҳар кун ижобий нуқтанга-назар билан яшаш жуда муҳим. Муаммолар ҳақида жар солиш эмас, улардан халос бўлиш йўлини топиш донолик. Юқорида биз айтиб ўтган инсонлар каби, ҳаётда муваффақиятсизликка учраб, аммо бўш келмай бахтини, омадини топанган инсонлар жуда кўп. Ҳаёт баъзида ақлга сиймайиган даражада фожеага айланади. Нима бўлганда ҳам, мутойибани унутманг. Охириқибат сўнгги таҳлиллар ҳеч бўлмаганда кулишни унутмаганингиздан дарак беради.

Шўҳрат САТТОРОВ

“Моҳир жанг санъати устаси Брюс Ли айтгани каби, билим сизга куч ва ишонч берса, феъл-атвориңгиз ҳурмат келтиради.”

ПЕНСИОНЕРЛАРГА КИТОБ ЭЛТИБ БЕРЯПМИЗ

Хар қандай давлатнинг куч-қудрати ўз фуқароларининг онглилиги билан белгиланар экан, бунда албатта, китобхонлик масаласига алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилнинг 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишининг қабул қилиниши айтиш мумкин.

“Айни пайтда ахборот-коммуникация соҳасидаги охириги ютуқларни ўзлаштириш билан бирга, ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишини оширишга, уларни китоб билан дўст бўлишга, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади”. Мамлакатимиз раҳбарининг китоб, китобхонлик маданиятини ошириш тўғрисида кўнчақлик билан айтган бу сўзларида чуқур маъно мужассам.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Сирдарё вилояти ахборот-кутубхона маразида ҳам кўплаб ишлар олиб берилмоқда.



АКМнинг ахборот технологиялари бўлими ҳар қандай қурилмаларда 3D форматдаги китоб нашрларини янада қулайроқ ўқиш учун akm.libgulistan.uz интернет-ресурсини ишга туширди. Энди шахсий компютерда эмас, балки қўшимча дастурларни ўрнатмасдан смартфонлар ва планшетларда ҳам китобларни ўқиш олиш мумкин. Шу билан бирга, абонемент ва кутубхоналараро абонемент сектори бўли-


мида турли соҳаларга оид илмий-оммабоп адабиётлар ҳамда ўзбек, рус ва бошқа тиллардаги бадиий адабиётлар мавжуд бўлиб, сектор ходимлари томонидан пенсионерлар ҳамда имконияти чекланган фойдаланувчи китобхонларга керакли адабиётларни уйга элтиб бериш хизмати йўлга қўйилган, уларга бу хизмат турлари жуда ям маъқул келмоқда.

Китоб мутолаасини аҳоли,

айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш бугунги кундаги асосий вазифамиздир. Шунинг учун вилоятимиздаги барча касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида кутубхоналар ва электрон кутубхоналар фаолиятини кучайтириш ва кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Насиба НИШОНОВА,
АКМ бош кутубхоначиси

ФАХР ТУЙҒУСИ



Ватанини севиб, она юрт билан фахрланиб яшаш, тулал-яшнашга ҳисса қўшиш бахтига ҳаммамизни ҳам мушарраф айласин — Фарғона вилоят АКМда бўлиб ўтган маънавий-маърифий тадбирда ана шу мавзуда фикр юритилди.

Фарғона давлат университети ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Фарҳод Турғунбоев мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағиш-

ланган маърузасида истиқлол берган энг олий неъмат, иқтисодий, ижтимоий, таълим, тиббиёт, маданият, спорт, қўйингки, барча соҳалардаги ислохотлар, эришилган муваффақиятларга ёрқин мисоллар ва фактлар келтирди. Шунингдек, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари, туризмни ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти, президент қабулхоналари очилганидан буён минглаб му-

аммолар барҳам топганига алоҳида тўхталди.

Маъруза сўнгида устоз профессор ёшлар зиммасида турган вазифаларга, жумладан, техника фанларига қизиқиш нечоғлиқ муҳимлигига эътиборни қаратди ва талбир қатнашчилари — АКМдан фойдаланувчилар ҳамда алоқа корхоналари ходимларининг кўплаб саволларига жавоблар қайтарди.

С.ҲАФИЗОВА

ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚҲЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари:

“Тизимли амалий дастурлаш” кафедраси — 1.

Доцентлар:

“Аудиовизуал технологиялар” кафедраси — 1, “Тизимли амалий дастурлаш” кафедраси — 1.

Катта ўқитувчилар:

“Физика” кафедраси — 1, “Электроника ва радиотехника” кафедраси — 1, “Чет тиллари” кафедраси — 1, “Криптология ва дискрет математика” кафедраси — 1, “Компютер тизимлари” кафедраси — 1, “Гуманитар фанлар” кафедраси — 1, “Телерадиоэшиштириш тизимлари” кафедраси — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

“Аудиовизуал технологиялар” кафедраси — 1, “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти” кафедраси — 1, “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” кафедраси — 1, “Компютер тизимлари” кафедраси — 1, “Информатика асослари” кафедраси — 1, “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси — 1, “Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари” кафедраси — 1, “Электроника ва радиотехника” кафедраси — 1, “Ахборот технологиялари” кафедраси — 1, “Телекоммуникацияда бошқарув тизимларининг аппарат ва дастурий таъминоти” кафедраси — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. тел: 238-64-06.

2005 йилда ЎзДЖТУ томонидан Марат Баҳитбоевич Жиянбоевга берилган В № 153150 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1993 йилда ЎзДЖТУ томонидан Тажикўль Асанбековна Тлеубековага берилган № 994177 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"ЎНГГА ОЛ, СВЕНССОН!"

ёхуд Швецияда қандай қилиб автомобиллар чапдан ўнгга олиб ўтилгани ҳақида



Бундан нақ 51 йил илгари — 1967 йилнинг 3 сентябрида Швецияда авто-транспортлар ҳаракатланиши йўлнинг чап томонидан ўнг томонига ўтказилган эди. Албатта, дабдурустдан мутлақо бошқа ўзганга тушиш осон кечмаган, айниқса, "Н" куни (швед тилида Dagen "Н" — Hoegtertrafik — ўнг томонлама ҳаракатланиш) — ўнгга ўтиш бошланган 3 сентябр куни.

Муаммонинг илдири

Швеция XX асрнинг ўрталарига келиб континентал Европадаги чап-томонлама ҳаракатланиш амал қилиб турган охири мамлакат эди. Барча қўшни скандинавлар (Дания, Норвегия, Финляндия) ўнг томонда ҳаракатланишар, чегара билан кесишмаларда ҳайдовчилар том маънода боши берк кўчага кириб қолишарди.

Ўнг томонга ўтиш тарафдорлари, экспертларга таяниб, шундай қилсак авариялар сони пасаяди, дейишарди. Айниқса, рули чап томондаги машиналар йўлнинг ўнг томонидан ҳаракатланса (ҳолбуки Швециядаги машиналар чап томонда ҳаракатланса ҳам рули чап томонда эди) манзара яхши кўрингани боис юзма-юз тўқнашувлар анча камайишидан умидвор эди улар.

Бу ички муаммо бўлганида ҳам майли эди: номигагина чегара қўйилган ҳудудларда норвег ва фин ҳайдовчилари ҳадеб "чапақай" шведларга дуч келиб қолаверишдан юрак олдириб қўйишганди. Қилқўприк устида дуч келиб қолган икки эчки ҳақидаги эртакни эслатади...

Хуллас, шведлар шоши-лишмаса бўлмасди: чунки ўша пайтлардан Европа бир хил ва арзон тўғарак чироқлардан тўғри бурчакли, ҳар бир машина учун махсус ишлаб чиқилган фараларга ўтишни бошлаб юборганди — ҳар бир ўтказиб юборилган йил ортиқча харажат дегани.

Қизиги, 1955 йилги умумхалқ овоз беришида 85 фоиз қатнашчилар ўнг томонга ўтишга қарши бўлишганди. Шунга қарамай, Швеция парламенти консерватив фикрловчи халқи билан ҳисоблашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади ва ўнг томонга ўтиш бўйича шуғулланувчи давлат комиссиясини тўзди.

Ўзгариш учун нима қилишди?

Ислохотчилар олдида улкан

ва заҳматли иш турарди, аммо уларнинг қарор қатъий эди: Швециядаги барча светофорларни янгитдан ўрнатиб, йўл белгиларини янгиллаб чиқишди, чорраҳаларни ўзгартиришди, бир томонлама ҳаракатланишга рухсат этилган кўчаларда автобус бекатларининг жойи ўзгартирилди, барча машиналарнинг фаралари ўнг томонга мослаб сошлаб чиқилди. Бира тўла "ҳақиқий европалик" бўлиш учун сариқ рангдан воз кечилиб, йўлларга чиқишда оқ бўёқдан фойдаланилди.

Энг қийини автобусчиларга бўлди: 8000та автобуснинг эшикларини чап томондан ўнг томонга ва аксинча, ҳайдовчисини ўнг томондан чап томонга ўтказишга озмунча меҳнат ва харажат кетдими?!

Шу қийинчиликлардан чўчиган айримлар (масалан, Гётеборг шаҳри автобусчилари) янги автобуслар сотиб олиб, ўзлариникини "чап кўл қондаси"га содиқ қолаётган покистонликларга пуллаб юборишди.

Тарғибот ишларини-ку, айтмаса ҳам бўлади. Нақ 30 саҳифали ахборот буклети, икки рангли кўлқоплар (у пайтларда ҳайдовчилар кўлқоп кийишган, қизили — чап, яшили — ўнг). Ҳатто радиога таралаётган кўшиқ ўнгга ўтишга чорларди: "Ўнгга ол, Свенссон" ("Hall dig till hoeger, Svensson").

"Н" куни

1967 йилнинг 3 сентябри, якшанба соат тонгги 5:00да ўнгга ўтишга старт берилди. Бунгача тунги соат бирдан эрталабки соат олтигача (катта шаҳарларда бундан ҳам узоқроқ чўзилди) шахсий транспортни ҳайдаш тақиқлаб қўйилди.

Бу пайтда ишчилар светофорларни ёқиб, янги йўл белгиларининг филофларини очишга улгуришлари керак эди, ҳатто одам етишмаганидан аскарларни ёрдамга чақиртиришди.

Ўнг томонга ўтилгандан кейин тезликни пасайтиришни кўзда tutувчи махсус тартиб жорий этилди.

Натижа

Умуман олганда, ўнг томонлама ҳаракатланишга ўтиш силлиқ кечди. Дастлабки икки кунда ўлимга олиб келувчи биттаям ЙТХ содир бўлмади. "Н" кунидан бир ой ўтиб ҳақиқатан ҳам авариялар сони анча-мунча камайди.

Кейинги йили "катта оға"сининг тажрибасидан руҳланган Исландия, гарчи оролда жойлашган, гарчи норвег ва финлар билан ҳеч қачон тўқнашиб кетмаса ҳам автомобилларини ўнг томонга ўтказди.

Хулоса ўрнида

Ўнгга ўтган битта шведлармас, яна улар Европада охири бўлишибди, дерсиз. Бу рост.

Аммо бугунга келиб энг хавфсиз йўллар Швецияники. Йўл-транспорт ҳодисаларидан камдан-кам одам ҳалок бўлади — улар дунёда энг олдинги ўринда (интернетдан истаганча маълумот қидириб кўришингиз мумкин).

Энди шведлар йўлларда қурбонлар умулан бўлмаслиги учун нима қилиш керак деб, бош қотиришяпти. Йўлларни мослашяпти, ўзларини мослашяпти. Эътибор беринг — ўзларини мослашяпти... Бу дегани, ҳар қанча инновациялар жорий этилмасин, йўллардаги хавфсизликнинг бош омили инсон бўлиб қолаверади.

Собит АҲАДОВ

Швецияда "чап кўл қондаси" фақат метро ва поездларда сақланиб қолган.

ГЛОБАЛ МУАММО

ЗАҲАРНИНГ ОЗ-КЎПИ ЙЎҚ: ЙИЛИГА ҚАРИЙБ 3 МИЛЛИОН ОДАМ ЎЛМОҚДА

The Lancet нашри чоп этган янги тадқиқот озми-кўпми барибир, алкоголь истеъмоли доим хавфли эканини кўрсатди.

Тадқиқотда дунёнинг 195 мамлакатидан 1990—2016 йиллар давомидаги алкоголь истеъмоли миқдори ва унинг саломатликка таъсири ўрганилди.

Аниқланишича, нафақат сурункали ичиш, балки ҳар замон-

да "томоқни ҳўллаб туриш" ҳам кони зарар.

Мана бу рақамларга қаранг: 2016 йили 2,8 миллион киши спиртли ичимликлар истеъмоли ва унинг оқибатлари билан боғлиқ ҳолатларда дунёдан кўз юмган. Хиросимага ташланган атом бомбаси қанча одамнинг естигини қуритганди? Ҳар йили спиртли ичимликлар камиди "ўнга Хиросима" эффекттини берапти.

Оқибати эса қафдагидек намоён: 15 ёшдан 49 ёшгача

бўлганлар орасида бевақт ўлимга ва ногиронликка олиб келувчи "биринчи рақамли" омил айнан спиртли ичимликлар бўлиб турибди.

2016 йили Хитойда 700 мингдан зиёд инсон (эркаклар — 650 минг, аёллар — 59 минг) спиртли ичимликлар истеъмоли оқибатида оламдан ўтган. Ҳиндистонда 330 мингдан зиёд, Россияда 223 минг, Бразилияда салкам 100 минг нафар инсоннинг ўлимига алкоголь сабаб бўлган.



ҲАМ ШОИР ҲАМ ШИФОКОР

Стоматолог олим Миржамол Мирёкубовни нафақат республикамиз, балки жаҳон стоматологлари жуда яхши билишади.



Домла 1952 йили Москва стоматология институтига ўқишга кирди ва институтни тамомлагач бутун умр мамлакатимизда стоматология ва тиш техникаси соҳасини ривожлантиришга, шу соҳада маҳаллий кадрларни тайёрлаш, тиш касаллик-

ларининг олдини олиш ишларига бор билим ва куч-ғайратини сарфлади.

Миржамол домла малакали стоматолог бўлишдан ташқари беназир ижодкор ҳамдир. У киши тиш техникаси ҳамда стоматология-ортопедия соҳасида орттирган кўп йиллик тажрибаларига асосланган ҳолда 1962 йили ilk бор ўзбек тилида ортопедия-стоматология фанидан дарслик китобини нашр эттирди. Ушбу дарсликда илгари сурилган янги усулда ҳозирга қадар нафақат Тошкент стоматология институтида, балки Москва ва Киевдаги стоматология институтларида ҳам дарслар олиб борилади.

Домла оламларни болалигиданоқ тишларини асраб-авайлашга ундайди. Шу мақсадда Миржамол Мирёкубов болалар учун "Тиш касалликлари", "Зубы целы — бодрый

дух", "Потомкам чтобы здоровыми расти" деб номланган қатор шеърый китоблар ёзган. Болаларбоп, қувноқ ва насихатомуз шаклда ёзилган бу шеърый тўпламлар жаҳон стоматологларида маъқул келган ва шу боис рус, инглиз, қозоқ, турк, ҳинд, урду, тожик, араб сингари дунёнинг қўплаб тилларига таржима қилинган, шу шеърлар асосида чиқарилган плакатлар, кўргазмалари расмлар ҳамон долзарблиги йўқотгани йўқ.

Яқинда стоматолог олим, устоз-мураббий, шоир ва газалнавис, табиат ва қўшиқ шайдоси, аския ва ҳазил-мутойиба ишқибози Миржамол Мирёкубов ўзининг 90 ёшини қарши олди. Газетамизнинг доимий ҳамкори бўлган бу инсонни биз ҳам таваллуд айёми билан қўтлаб, у кишига яна узоқ йиллар шогирдларига бош бўлиб юришларини тилаб қоламиз.

ЭРК БАЙРАМИ

Ўлкамизнинг ҳар нуқтасида
Эрк байрами баралла янгар,
Хонандалар шодлигимизни
Хониш қилиб булбулдек сайрар.
Қувонч билан бу тантанани
Ўтказайлик эй дўсти ёрлар,
Юрагида ҳур Ватанимга
Ҳеч ажралмас севгиси борлар.
Истиқлолга эришган халқим,
Шодлигингга шодлиқ қўйилсин.
Истиқболнинг айлагин ёрқин,
Томирингда қонинг жўш урсин.
Кўплар кўрмай кетган бу кунни
Бизлар кўрдик шукр қилайлик,
Шул сабабли ҳамнафасликни
Бахти қулган авлод билайлик.
Бир бош, бир тан бўлиб ҳамнафас
Юрмоқ, турмоқ бўлсин аҳлимин.
Шунда доим ўз нурин сочар
Эришилган ютуқ, бахтимиз!

Миржамол МИРЁКУБОВ



Беғубор ёшлигим

Ҳаётимда бўлиб сен меҳмон,
Уйнаб-қулдим, шўх бебошлигим.
Бебаҳойим эдинг на қилай,
Кўрим келар сени ёшлигим.
Соғинтирар ҳамиша, ҳар дам,
Қароғимда милтиллайди нам.
Яна қайттин беғуборгинам,
Кўрим келар сени ёшлигим.
Сукут сақлаб ўйларга толсам,
Қани сени яна кўролсам,
Уюм қилиб кетдинг дилга ғам,
Кўрим келар сени ёшлигим.
Оламларни бир-бир кезгайман,
Ҳар қаерда, ҳар дам излайман,
Уйнаб-қулган шўх бебошлигим,
Кўрим келар сени ёшлигим.

ТАҚДИР ҲАЙИНИ

Шамол дарахтларнинг олтин япроқларини ўйнаб, бешик тебраттандек аста заминга олиб тушарди. Йилнинг тўрт фасли ўзининг ёқимли одатлари билан сени менга эслатишга уринаёттандек.

Қалбларни эгаллаган муҳаббат туйғуси, фаслларни ҳам бефарқ қолдирмас экан. Дўстлар даврасидан қайтаётиб автобус бекати томон келдим. Само сирли ўйини бўлмиш чақмоқ чақишини бошламоқда. Автобус келди, орқа ўриндиқда икки ёшдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Уларнинг бир-бирига кўнгил қўйгани билиниб турарди. Шу пайт йигит қиздан: "Мени ташлаб кетмайсанми?" деб сўради. Қиз эса аста уялиб: "Кўнглингизни тўқ қилаверинг", деди.

Мен ажабланмасдим, агар йигит қизни сенинг исминг билан чақирмаганида. Манзилимга етгач, автобусдан тушиб, икки ёш ортидан қараб қолдим. Чунки улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат сен билан менгагина таниш сўзларнинг ўзи эди.

Тақдирнинг инсонга навбатдаги ҳайрон қоларли ҳолатлар тақдими шу бўлса керак!

Баҳодир МҲМИНОВ,
ТАТУ қўриқлаш хизмати ходими

УЧРАШУВ

ВАТАН ЮРАГИНИ ЧИЗГАН ШОИР

Шеърятнинг нафис булогидан сув ичиб, устозлар ижодидан баҳра олган, шеърларида юртнинг, халқнинг севинчлари, орзу-армонлари, дарду ташвишларини жўшқин илҳом билан қўлай олган Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низоом муборак 80 ёшни қарши олди. Шу муносабат билан марказимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари Андижон вилоят бўлими билан ҳамкорликда шоир билан учрашув ўтказилди.

"Ватан юрагини чизган шоир" мавзuida ташкиллаштирилган ушбу тadbирда ишти-

рок этган "Саодат" журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмонова, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Назиржон Саидов, Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи А.Султонов, Андижон давлат университети филология факультети декани Баҳодиржон Раҳмоновлар ҳамда шоирнинг оила аъзолари, дўстлари, бирга ишлаган ҳамкасблари Тўлан Низоом босиб ўтган ибратли ҳаёти ва серқирра ижоди ҳақида гапириб ўтдилар. Унинг ижоди, айниқса, мустақиллик йилларида юқори поғонага кўтарил-

ганлиги, у ўттизга яқин достон ва лирик қиссалар яратганлиги, шоир халқимизнинг асрий орзуси бўлган эркинхўр турмушни, абадий қадриятларимизни қўлай бошлаганлиги эса унинг серқирра ижодкорлигининг ёрқин мисоли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тadbир давомида ахборот-кутубхона маркази томонидан Тўлан Низоом ҳаёти ва ижодига бағишланган "Андижоннинг серқирра ижодкори" мавзуидаги мултимедия намойиш этилди. Ахборот-библиография бўлими мута-

хассислари тайёрлаган "Ватан юрагини чизган шоир" мавзуидаги библиографик қўлланма эса шоир, унинг оила аъзолари ҳамда иштирокчиларга тақдим этилди.

Яқинда сўз олган шоир, аввало, тadbир ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдириб, 80 йиллик босиб ўтган умридан рози эканлигини айтиб, янги ижод намуналаридан ўқиб берди.

Нигорахон ЙЎЛДОШЕВА,
Бобур номидаги
Андижон вилоят
АКМ бўлим мудири



ПУЛ ЁКИ ДАЛАЙ-ЛАМА

Хитой Тибетга миллиардлаб доллар инвестиция киритмоқда


Далай-лама XIVнинг вориси учун курашдан аввал назоратни кучайтириш мақсадида Хитой Тибетга миллиардлаб доллар маблағ киритмоқда. Ворис масаласи ушбу етакчининг ўлимидан сўнг ҳал қилиниши керак, деб хабар бермоқда NBC News телеканали.

Тибетга кам сонли таширларидан бирида Хитой ҳукумати делегацияси расмийлари минтақадаги 3,3 миллион киши фаровонлигини таъминловчи ривожланиш дастурини тақдим этдилар, дея таъкидламоқда телеканал. Дастурдаги кенг қўламли инфраструктура лойиҳалари ўз ичига янги аэропортлар ва автомагистраллар қуришни ҳамраб олади. Режалаштирилган сармоялар бюджет 97 млрд. долларни ташкил этади. Шунингдек, лойиҳа Тибет буддизмининг муқаддас жойларини ҳимоя қилиш ва барқарор "яшил иқтисодиёт"ни яратишга қаратилган.

Хитой узоқ йиллардан буён Тибет етакчиси Далай-лама XIVнинг таъсирини камайтиришга ҳаракат қилади. Хусусан, 1980 йилдан бери Хитой Тибетнинг асосий монастырлари ва бошқа диний объектларини реконструкция

қилиш учун 450 миллион доллардан зиёд маблағ сарфлади. Келгуси беш йил мобайнида бюджетдан яна 290 миллион доллар ажратилади. Хитойнинг Тибетга катта сармоя киритишдан мақсад давлат будпарастларнинг энг катта миллати сифатида ўз обрўсини яхшилашга уринмоқда.

Шу билан бирга, Хитойнинг саъй-ҳаракатлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гуруҳларининг Тибет халқини қатағон қилиш бўйича айбловлари вақтида амалга оширилмоқда, дея қайд этади NBC News. Август ойида АҚШ вице-президенти Майк Пенс "Тибет халқи Хитой ҳукумати томонидан қаттиқ босим остида бўлгани" ҳақида маълум қилди. Июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Тибетдаги шароитлар сезиларли даражада ёмонлашаётганини таъкидлади. Пекин, ўз навбатида, репрессиялар бўйича айбловларни рад этиб, Хитой ҳукумати "қолоқ" минтақага фаровонлик олиб келгани ҳамда улар Тибет халқининг ҳуқуқларини тўла ҳурмат қилишларини маълум қил-



моқда.

Далай-лама ҳозирда 83 ёшда, қўллаб-тиббатчилар Хитой Тибет буддизмининг бўлиниши учун мерос бўлиб ўтиш ҳуқуқидан фойдаланиб қолишдан хавотир билдиришмоқда. Хитойдан эсла-

тишларича, ҳукумат Тибетнинг кейинги диний етакчисини тасдиқлаши керак. Далай-лама эса Хитой Тибетнинг етакчиси сифатида ўз ворисини маълум қилиш мумкинлигидан катта ташвишга тушган.

ХЕЙЛИ: РОССИЯ ВА ХИТОЙ МУАММОЛАРНИ ЕЧИШГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Никки Хейлининг маълум қилишича, Россия ва Хитой КХДР ядросизланиши билан боғлиқ муаммони ҳал қилишга тўсқинлик қилмоқда. У бундай баёнот билан АҚШнинг БМТ Хавфсизлик кенгашидаги раислигига бағишланган матбуот анжуманида чиқиш қилган. "Россия ва Хитой муаммоларни келтириб чиқаришда давом этмоқда. Жумладан, улар КХДРга қарши санкцияларга риоя этиш бўйича 1718-қўмита ишига тўсқинлик қилипти", — деган Хейли.



Шунингдек, унинг билдиришича, АҚШ ва Жанубий Корея Шимолий Кореяга нисбатан санкциялар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

"ФУКУСИМА" РАДИАЦИЯСИ ИЛК ҚУРБОНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Япония ҳукумати биринчи марта 2011 йилда "Фукусима" атом электр станциясидаги авариядан сўнг сизиб чиққан радиация оқибатида инсон нобуд бўлганини қайд этди.

Мамлакат Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳоли ижтимоий таъминоти вазирлиги вакиллари хабар беришларича, 50 ёшдан ошган эркак ўпка саратони туфайли вафот этган. У "Фукусима"да авариядан сўнг ҳамда икки марта бўлган ва турли атом электр станцияларида ишлаган. Унда онкологик касаллик 2016 йил февралда аниқланган. Марҳумнинг oilасига тоvon пули тўлаб берилади.

САЛВИНИ МЕРКЕЛНИ ТАНҚИД ҚИЛДИ

Италия ички ишлар вазири Маттео Салвини Германия канцлери Ангела Меркелни миграция сиёсатида қўпол хатоларга йўл қўйганликда айблади.

Салвини DW нашрига берган интервьюсида Меркелнинг "Германияда юз минглаб муҳожирларга жой беришга таъкидлаб, ижтимоий ихтилофлар хавфини етарлича баҳолай олмаган"лигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, у муҳожирларнинг ҳар қандай келишига чек қўймоқчилигини қўшимча қилган. Салвини Германиянинг Хемниц шаҳрида муҳожирлар билан жанжал оқибатида 35 ёшли германиялик фуқаронинг ўлдирилганидан сўнг бошланган тартибсизликларга изох бериб, муҳожирлар билан боғлиқ бошқа кўнгилсиз воқеаларни ҳам эслаб ўтган. "Бироқ Германия ҳукумати бир неча йил давомида бу муаммони етарлича баҳолай олмаган", деб қўшимча қилган Салвини. Унинг айтишича, тартибсизликлар немисларнинг Берлиннинг муҳожирларни қабул қилиш сиёсатида жавоби бўлган.

БАА МАКТАБЛАРИДА ЭНДИ ҚИЗЛАР ВА ЎГИЛ БОЛАЛАР БИРГА ЎҚИШАДИ

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати мамлакат тарихида илк марта баъд давлат мактабларида ўғил болалар ва қизларга умумий таълим беришни бошлади. Аниқлик киритилишича, жорий ўқув йилидан бошлаб БААда ўғил болалар ва қизлар биринчи марта бирга таълим олиш 5-6 ёшдан бошланган биринчи синфга боришган. Амирликлардаги ҳусусий мактабларда ўғил-қизларнинг биргаликда таълим олиши кенг тарқалган, ammo бу давлат мактаблари учун янгиликдир.



Расмийларнинг умид қилишича, бу қадам ўғил болаларнинг ўзлаштириш даражасини яхшилашга ёрдам беради, шунингдек, келажакда эркаклар билан биргаликда профессионал фаолият олиб бориш учун қизларни тайёрлайди. "Ушбу ўзгаришлар келажакда, ўқувчилар катта ҳаётга қадам қўйишганида ижобий таъсир кўрсатади", — дея таъкидлайди Бирлашган Араб Амирликлари Таълим вазирлигининг вакили Амина ал-Маждид.

ОҚ УЙ БАШАР АСАДНИ ОГОҲЛАНТИРДИ

Оқ уй Сурия президенти Башар Асадга кимёвий қуроладан фойдаланганидан бўлса, ҳарбий куч билан таҳдид қилди. Бу ҳақда АҚШ президентининг матбуот котиби Сара Сандерс маълум қилди. Унинг аниқлик киритишича, Вашингтон Суриянинг Ид-либ вилоятидаги вазиятни ўта жиддийлик билан кузатиб бормоқда. "Биз шунини аниқ маълум қилмоқчимиз-ки, қатъий позициямиз аввалгидек қолади: президент Башар Асад яна кимёвий қурол ишлатишга қарор қилса, АҚШ ва унинг иттифоқчилари тезкор ҳамда тўғри жавоб берадилар", — дейилади баёнотда.

КОРЕЯЛАРАРО УЧИНЧИ САММИТ САНАСИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Кореялараро учинчи саммит 18-20 сентябр кунлари КХДРда бўлиб ўтади. "Биринчидан, Жануб ва Шимол 18-20-сентябр кунлари Пхеньянда Кореялараро саммитни ўтказишга келишиб олди, шунингдек, учрашувга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳар ҳафта юқори даражада музокаралар ўтказилади", — дея хабар берган Жанубий Корея президентининг махсус вакили КХДРга сафаридан сўнг.

Аввалроқ, АҚШ президенти Доналд Трамп Жанубий Корея етакчиси Мун Чжэ Ин билан КХДР билан мулоқот истиқболларини муҳокама қилган. Аниқлик киритилишича, телефон орқали ўзаро мулоқот давомида етакчилар Корея ярим оролидаги вазият ривожини, шунингдек, ядросизланиш бўйича музокараларни муҳокама қилган.



Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Англияга охири сафарим давомида об-ҳавонинг ноқулайлиги байрамона кайфиятимга путур етказгани учунми, ҳар қалай тезроқ ўз уйимга, Прагага қайтишга ошиқатган эдим, қутилмаганда эски танишим уйига чақириб қолди. Биз у билан Венада бирга ўқигандик. У ўша пайтлардаёқ антик давр тарихининг умидли билимдонларидан бири сифатида тилга тушганди. Ундан бери озмунча вақт ўтди? Бугунги кунда Найжел Септванс Миср тарихини ўрганиш бўйича етук мутахассис, фиръавнлар ва эҳромлар юрти ҳақидаги ўнлаб китоблар муаллифига айланди.

Унинг Кентдаги макони Канопа Холл деб аталарди. Сэр Найжел Септванснинг уйи қирқ нечтадир хонадан иборат, уларнинг кўпчилиги, албатта, Миср билан алоқадор эди. Ундаги яшил хонани эса ҳақиқий маънода энг Миср-боп хона дейиш мумкин эди. Септванс менга мўмийеланган жасадлар жойлаштирилган ажойиб коллекциясини гурур билан кўрсатарди.

Ўша куни кечкурун олов чарсиллаб турган камин олдида кечки овқатдан сўнг анча пайт гурунлашиб ўтирдик. Уй соҳиби трубкасини лабига қистирганча, сирли оҳангда сўраб қолди.

— Сизга жавоби йўқ бир жумбоқни гапириб берайми?

Мен қизиқиш билан бош иргадим. Найжел эса ҳикоясини бошлади:

Септванснинг юзидаги даҳшатни бошқача тушуниш ҳам мумкин эди. Мен тобутнинг муҳрини осонгина бузиб, унинг бир четини ушатиб олганимдан унинг гипсдан ясалганини тушунди ва албатта, қаттиқ жажли чиқди.

— Ўн йил илгари Қоҳирадаги Британия мактабинининг бошлиғи этиб тайинланганимда, ўзимни Миср тупроғидаги энг бахтиёр инсон деб ҳисоблагандим. Менинг сеvimли аёлим у пайтларда ҳаёт эди. Салоқатли шогирдим Рожер Болтон эса мактабда муовиним эди. Менинг қадимги Мирс иероглифлари бўйича чуқур билимга эгадигим, шогирдимнинг қадимий дафн этиш таомили ва мўмийелаш усуллари ҳақидаги кўникмалари бизнинг бир-бирига мос ҳамкорлар эканимизни кўрсатарди.

Бизнинг олдимизда яқинда топилган мўмийелар (улар олдида Миср фиръавнларининг оиласига тегишлилари ҳам бор эди) каталогини тузишдек муҳим вазифа турарди.

Уларнинг ишини Абдин даҳасида яшовчи қадимий топилмалар дўкони соҳиби Юсуф Ота-Журайжийнинг тасодифан йўқолиб қолиши тўхтатиб қўйди.

Септванс ва унинг шогирди жуда катта пул эвазига Ота-Журайжийдан ўйлаб нодир экспонатларни сотиб олишган. Улар ичидан учта тобут жуда катта қимматга эга эди. Уларнинг бузилмаган муҳрлари қадимий ҳукмдорларнинг жасад қолдиқлари бус-бутун ва дахлсиз сақланаётганини кўрсатарди.



ҚАЛЛОБНИНГ ҚИСМАТИ

Бу каттакон ва оғир буюмларни дўкондан олиб чиқишнинг ўзи бўлмасди. Сэр Найжел бу экспонатларни сотиб олган куни уларни олиб кетилиш шарти билан уларни дўконда қолдириб кетганди. Кечкурун Ота-Журайжий қандайдир иш билан Қоҳирадан чиқиб кетган, ўша оқшом дўконга ўғри тушган. Улар қимматбаҳо буюмларни қидириб, барча тобутларни очиб ташлашган. Улар тобут ичидаги мўмийеларнинг бир қисмини олиб кетишган, — оддий мисрликлар мўмийелашда ишлатилган мум ва махсус ёғни фақатгина айрим касалликларга даво сифатида ишлатишди, холос, — қолган жасад қолдиқларини эса майдалаб кетишган.

Ўғирликдан хабар топган инглизлар қаттиқ ташвишга тушибди. Айниқса, Болтон аламдан йиғлаб юборишга оз қолди. У ҳатто бир муддат ёввойи безакка чалиниб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб ҳам олди.

Сэр Найжел эса бу ўғирлик бир нарсани икки марта сотишни ният қилган Юсуф Ота-Журайжий томонидан уюштирилган, деган тахминда эди. Савдогар шаҳарга қайтиши билан тўғри унинг ёқасидан олиб, фибрибарликда айблади. Унинг довлариб қолгани, ўзини оқлаш учун тузукроқ баҳона тополмаётгани Септванснинг шубҳаларини янада кучайтирди. Сал бўлмаса, шу ернинг ўзида қарияни бўғиб ўлдираёзди. Бу нохуш учрашув кечки пайтда бўлиб ўтганди. Эртаси куни қадимий буюмлар савдогари сирли равишда ғойиб бўлди. Бу ҳодисадан кейин сэр Найжел Ота-Журайжий уни чув тушириб кетганига тамомила ишониб қолди.

Орадан бир неча кун ўтиб, мактабда савдогарнинг хотини пайдо бўлиб қолди ва у Септванс эрини ўлдириб кетганига айблади. У дўкон

ичидаги тошли йўлакда қизил доғларни кўрган ва уни қон деб, ўйлаган. Сэр Найжел ҳам, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам бу доғлар қон изи эмас, оддий, симоб рудасидан тайёрланган махсус қизил бўёқ эканини аниқлашди. Кейинчалик дўкондан бир мунча тарихий ашёлар, артефактлар ва анчагина пул йўқолгани маълум бўлди.

— Ярамас, бизни доғда қолдиргани етмаганидек, оиласининг тирикчилиги учун ҳам ҳеч вақо қолдирмабди, — ҳикоясини тугатаркан, ўзича мингирлади сэр Найжел. — Бироқ Қоҳира катта, айна пайтда жуда кичкина шаҳар ҳамдир. Одамлар миш-мишга жуда уч. Агар Ота-Журайжийни ўлдиришганда, бу ҳақда эртами-кечми, албатта, гап-сўз тарқалар, полиция ҳам айбдорни аллақачон қўлга олган бўларди. Мана, йиллар ўтган бўлса ҳамки бу фибрибарнинг дарағи чиқмади. У ҳозир қасрдадир, Занзибарда, Тимбуктудами, ялло қилиб юрган бўлса керак.

— Мен ўзимча ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим, бу ланъати қоҳиралик фиръавнлар арвоқини чирқиратиб, уларнинг қаҳрига йўлиққан бўлса керак. Биз Болтон билан қўлимиздан келганича ноёб топилмаларни асраб қолишга тиришдик. Мен уларнинг катта қисмини Лондонга олиб келдим. Бироқ Мисрга қайтиб бормадим. Орадан ўн кун ўтиб шогирдим менинг энг нодир марваридим бўлган малика Небкхаас мўмийесини олиб келди.

Эрталаб нонуштадан сўнг мен Септвансга хотиржамлик билан жумбоқнинг жавобини топганимни айтдим. Ҳайратдан унинг тили калмага келмай қолди.

— Жумбоқнинг жавобини тушимда кўрдим, дедим

мен. — Аввалига узоқ вақт ухломлай ётдим. Кейин эса тушимга фиръавнлар ва Нил тўлқинлари кирибди. Мен ҳаммасини тушунтириб беришга тайёрман, аммо сизнинг Яшил хонангизда битта тажриба ўтказмоқчиман.

Бир неча дақиқа ўтиб, биз қадимий тобут олдида турардик. Мен богбондан сўраб чиққан белкурак билан тобутнинг оғзидаги муҳр ва безакларини юлқиб ташлаганимда, танишимнинг юзидаги ҳайрат мислсиз кўркүк билан алмашди. Мен қопқоқни очишим билан, қаршимизда малика Небкхааснинг қуриб, бўжмайиб қолган мўмийеси намоён бўлди.

Септванснинг юзидаги даҳшатни бошқача тушуниш ҳам мумкин эди. Мен тобутнинг муҳрини осонгина бузиб, унинг бир четини ушатиб олганимдан унинг гипсдан ясалганини тушунди ва албатта, қаттиқ жажли чиқди.


— Ланъати қоҳиралик мени икки карра алдаган экан, — деди юракдан ҳўрсиниб. — Бу менга яна бир доғ бўлиб тушади энди.

— Сиз ўз шаънингизни ўйламасангиз ҳам бўлади, — дея уни тинчлантирдим. — Бу фибрибарнинг найранги эмас. Мен бу ердаги бошқа тобутлар ичидаги мўмийелар бир пайтлар Миср тупроғида даврон сурган фиръавну маликалар бўлганига шубҳа қилмайман. Аммо мана бу тобут ҳақида бундай деймайман.


Шундай дея чўнтагимдан ғилофга жойланган скалпелни чиқардим. Ўн дақиқа ичида мен жасаднинг жинси ҳақидаги тасаввур ноўрин эканини исботлаш мақсадида мўмийени керакли жойига қилиб кўрсатдим. Сэр Найжел шу даражада тутатқан эдики, менга мушт туширишга тайёр турарди.

(Давоми бор.)

Рус тилидан
Рустам ЖАБОРОВ
таржимаси



Юртимиз спортчилари XVIII Осиё ўйинларида



18th ASIAN GAMES

**Jakarta
Palembang
2018**

Жами 70 та медал

231 нафар спортчи Индонезияда ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида спортнинг 30 тури бўйича Ўзбекистон номидан иштирок этди.

21та олтин, 24та кумуш, 25та бронза



9та олтин, 14та кумуш, 22та бронза



11та олтин, 22та кумуш, 23та бронза




11та олтин, 14та кумуш, 14та бронза



15та олтин, 12та кумуш, 24та бронза



6та олтин, 23та кумуш, 15та бронза



11та олтин, 12та кумуш, 19та бронза



Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида 2 сентябр куни XVIII Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистонлик спортчилар 21та олтин, 24та кумуш, 25та бронза — жами 70та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни қўлга киритишди.

Осиё ўйинлари 18-маротаба ўтказилган бўлса, ўзбекистонликлар унда 7-маротаба қатнашишди. Хиросимадаги 1994 йилги дастлабки иштироки билан вакилларимиз осиёликлар учун муносиб рақиб пайдо бўлганини исботлай олишганди. Ушанда ҳам ҳудди ҳозиргидек умумжамоа ҳисобида бешинчи ўрин қўлга киритилганди (11та олтин, 12та кумуш, 19та бронза медал).

Умуман, Инчеондаги 2014 йилги Осиё ўйинларини истисно қилганда, ўзбек спортчилари доим кучли ўнликка киришган.

Шу пайтгача энг кўп олтин медал (15та) Пусанда 2002 йили қўлга киртилган бўлса, жами тўпланган медаллар сони бўйича 2010 йили Гуанчжоу майдонлари биз учун муваффақиятли келганди.

Бироқ ҳам медаллар сифати, ҳам сони бўйича Индонезияда ўтган Осиё ўйинлари терма жамоамиз учун энг яхшиси бўлди. Спортимиз тарихида янги саҳифа очилди.

Ўзбек спортчилари қатор рекордларни янгилашди

- Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича уч карра Осиё ўйинлари ҳолибига айланиш билан бир қаторда, 2010 йилда ўзи ўрнатган рекордини янгилади.
- Руслан Нуриддинов оғир атлетика бўйича Осиё ўйинларининг янги рекордчисига айланди.
- Вадим Меньков байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Осиё ўйинларининг гўрт карра ҳолиби бўлди.

Олтин медал олган спортчиларимиз

- Маъруф Файбуллаев (кураш);
- Шермухаммад Жандреев (кураш);
- Муҳсин Ҳасомиддинов (кураш);
- Гулнор Сулаймонова (кураш);
- Дилдор Шерматова (кураш);
- Кумуш Йўлдошева (кураш);
- Жасурбек Латипов (бокс);
- Миразиз Мирзахалилов (бокс);
- Иқболжон Холдоров (бокс);
- Бобоусмон Ботуров (бокс);
- Исроил Мадримов (бокс);
- Мўминжон Абдуллаев (юнон-рум кураши);
- Бекзод Абдурахмонов (эркин кураш);
- Вадим Меньков (каноэда эшак эшиш);
- Никита Рафалович (таэквондо);
- Руслан Нуриддинов (оғир атлетика);
- Светлана Радзивил (енгил атлетика);
- Шаҳбоз Холмиразов ва Шаҳбоз Абдужаббаров (академик эшак эшиш);
- Камолиддин Холмуродов (самбо);
- Дийрбек Ўрозбоев (дзюдо);
- Денис Истомина (теннис).

Спорт турлари бўйича кўрсаткичлар

Спорт турлари	Олтин	Кумуш	Бронза
Кураш	6	2	4
Бокс	5	2	
Эркин ва юнон-рум кураши	2	1	3
Байдарка ва каноэда эшак эшиш	1	3	4
Таэквондо	1	3	2
Оғир атлетика	1	2	2
Енгил атлетика	1	2	1
Академик эшак эшиш	1	2	1
Самбо	1	1	2
Дзюдо	1	3	
Теннис	1		
Бадий гимнастика		2	
Каратэ		1	2
Велоспорт		1	
Спорт гимнастикаси		1	
Ушу		1	
Пенчак силат			1

Буюк ипак йўли: Чўлдаги сардобалар



Буюк ипак йўли. Ўз даврида бир неча давлатлар учун бир хил аҳамиятга эга бўлганлиги сабаб, неча асрлар ўтибдики, бу йўл ҳақида ҳамон гапирилади. Сабаби, Хитой ва Марказий Осиё шаҳарларини Ўртаер денгизи мамлакатлари билан боғловчи Буюк ипак йўли кўп асрлар давомида ушбу ҳудудлар ўртасидаги савдо ва маданият алмашинув жараёнида муҳим рол ўйнаган. У эраиздан аввалги II асрда Хитой ва Фарғона водийси шаҳарлари ўртасидаги савдо йўли сифатида

юзага келган бўлиб, кейинроқ Шарқ ва Ғарб ўртасидаги муҳим транспорт алоқа йўли мақомини эгаллади ва ўрта асрларга қадар амал қилди.

Буюк ипак йўлининг асосий қисми Осиёнинг чўл ҳудудларидан ўтган бўлиб, савдогарлар қимматбаҳо юкларини ташиниш учун қизиб турган кумларда юришга жуда яхши мослашган туялардан кўпроқ фойдаланишган. Сайёҳлар дуч келган энг асосий муаммо эса йўналишнинг катта қисмида сувнинг йўқлиги бўлиб, сув тўлдирилган идишлар сабаб қимматбаҳо юкларнинг анчагина қисми қолдирилган эди. Уша даврнинг маҳоратли конструкторлари бу муаммога ечим топишди. Улар қизиган кумлар орасида қудуқлар барпо этишди. Бу қудуқлар сардоба деб аталиб, уларда доим сув бўлган. Бундай қудуқларни бугунги кунда ҳам Ўрта Осиёнинг баъзи шаҳарларида учратиш мумкин.

Ноёб муҳандислик иншоот-

лари йўлнинг ҳар 12-15 километрида жойлашиб, 150-200 туядан иборат карвоннинг чанқоғини қондира олган. Бу қудуқлардаги сув ерости сув манбалари туфайли эмас, атмосфера ҳавосидан сув олишга қодир оригинал конструкция ёрдамида тўпланган.

Шуниси аҳамиятлики, қадимги муҳандислар қудуқларни қуришда уюрма эффектдан фойдаланишган. Конструкциянинг ўзи ташқаридан қараганда, тошдан ишланган кичикроқ чодирни эслатган ва бир неча туйнуқлари бўлган. Қудуқнинг ярмидан ортиқ қисми ер остига қўмилган бўлиб, сувга етиш учун зинадан пастта тушиш керак бўлган. Том ва ён томон туйнуқларининг махсус конструкцияси туфайли қудуқ орқали мунтазам чўл ҳавоси айланиб турган. Муҳассисларнинг баҳолашича, чўл ҳавоси ҳажми суткасига бир неча минг кубометрга етган.

Хатто чўлнинг қизиган ҳавосида ҳам сув буглари мавжуд бўлишидан фойдаланиб, катта

маҳорат билан барпо этилган иншоот гоёяси айнан мазкур билимга асосланган. Араб сайёҳларининг хотирлашича, доимо салқин бўлган қудуқ ичига тушган иссиқ ҳаво совиган ва ўзидаги сувни томчилар шаклида берган. Мусаффо салқин сув тош тепаликдан қудуқ тубидаги махсус чуқурликка оқиб тушган. Одамларнинг ичиши ва туяларини сугориш учун у ердаги сув етарли бўлган.

Таассуфки, чуқур билимга эга бу қурувчилар ким бўлганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар сақланмаган. Бироқ тадқиқотчилар улар хитойлик муҳандислар бўлганлигини тахмин қилмоқдалар. Буюк ипак йўли Хитой иқтисодиётида муҳим рол ўйнаганлиги, мамлакат раҳбарияти эса унинг гуллаб-яшнаши учун кўп куч сарфлаганлиги бу тахминга асос бўлиб хизмат қилапти.

Савда РАҲМАТОВА
тайёрлади

ИБРАТ

Синоб

Уч нафар қалин дўст бор эди. Уларнинг бири ўта бой, қолган иккиси фақирликда истиқомат қилишарди. Кунларнинг бирида бой:

— Азизларим, мана, Рамазон ойи ўтиб борапти. Бу кунлар ҳам ганимат. Келинлар, ҳар кун ифторни навбат билан бир-биримизнинг уйимизда қиламиз. Бугун эса менинг галим, сизларни кутаман, — деди.

Бой хизматкорларига уй ва ҳовлини яхшилаб тозалатди. Ошпазларига айтиб, энг тансиқ таомлар тайёрлатди. Муҳташам дастурхон тузди. Икки дўсти келиб, биргаликда ифторлик қилишди.

Иккинчи кун бошқа дўстнига борадиган бўлишди. У уйига келиб, онасига бойнинг дастурхонидан кам бўлмаган зиёфат тайёрлаши кераклигини айтиб, бой дўстининг дастурхонига нималар қўйилганини яна бир бор эслатди. Шунда онаси:

— Болам, уйда пулимиз ҳам, керакли масаллиқлар ҳам

бўлмаса. Қандай қилиб сен айтган нарсаларни ҳозирлайман? — деди.

Ўғли онасига қараб ғазаб билан бақирди:

— Нима қилсангиз, қилинг! Менинг камбағаллигим билинмаслиги керак, ундан кам бўлишни хоҳламайман! — деди.

Она бечора ноилоҳ қўни-қўшнилардан қарз олиб, ўғли айтганидек дастурхон тузди.

Учинчи кун навбат ўзиники эканлиги сабабли учинчи йигит онасига вазиятни ётиғи билан тушунтириб, маслаҳат сўради.

Онаси:

— Болам, сен бундай ишга қўшилмаслигинг, уларникига бормаслигинг, аҳволимизни ҳисобга олишинг керак эди. Энди нима қилишга ақлим етмапти. Кел, яхшиси бормизни дастурхонга қўямиз. Агар улар сенга ҳақиқий дўст бўлишса, хафа бўлишмайди. Ахир гап дастурхонда эмас, кўнглида-ку!

Ўғил онасининг юзидан ўйиб:

— Онажон, нотўғри йўл тутиб, Сизни ҳам хафа қилиб

қўйдим. Кечиринг! Тўғри айтдингиз, қўшилмаслигим керак эди. Лекин фурсат ўтди. Улар келишади. Майли, биз улардек дастурхон тайёрламаймиз. Нимамиз бўлса, шуни қўямиз, — деди.

Шом намозиға азон айтилди. Улар шомни ўқиб, ифторлик учун учинчи йигитникига ўтишди. Меҳмонлар дастурхонни қўриб ҳайратланишди. Унда бир идишда хурмо, учта косада сут, сув, бир неча бўлак нон, қайнатилган туҳум бор эди.

Иккинчи дўст ўтиришни ҳам лозим топмади. Ҳазабланиб:

— Ҳимматинг шуми ҳали? Агар сени бунақа қилишининг билганимизда келмас эдик, — деди бой дўсти ҳам унга қўшилишига ишонган ҳолда. Бой эса индамасдан дастурхонга ўтди. Ва:

— Ишонасизми, дўстим, туҳум емаганимга анча бўлди. Унинг таъмини ҳам унутибман ҳатто, — деди.

Иккинчи дўст бойга қараб энса қотирди ва:

— Яхшиси, ошхонага бориб овқатланаман. Шуюм меҳмондорчилик бўлди-ю?! — дея зарда билан чиқиб кетди.

Икки дўст биргаликда ифторлик қилиб бўлишгач, меҳмон:

— Дўстим, нимага қолдинг! Сен ахир бундай тарзда таомланмайсан-ку? Сенинг бу ишингдан ҳайратдаман, — деди.

Шунда бой:

— Эй дўстим! Мол-мулк, таомлар инсоннинг қийматини белгиламайди. Бу дунёда ҳамма нарсаси ўткинчи. Кун келиб, эҳтимол, сен мендан ҳам бойиб кетарсан! Мен сиз иккинчизнинг моддий аҳволигини яхши билардим. Билсам ҳам, сизларни синамокчи бўлдим ва аслигини билдим. У дўстимиз оддий бир егулик, таомни деб сендан кечди. У уйда зўр зиёфат берди. Бойлардек қўриниш учун қиммат кийимлар кияди. Ваҳоланки, унинг отаси, акаси бизнинг қўлимизда ишлашади. Уларнинг ойлиғи, харажати билан. Сен эса бординча бизни кутиб олдинг. Хижолат бўлмадинг. Айнан сен менга кераксан. Янги ширкатимизга сени раҳбар этиб тайинлайман. Қай бирингини танлашни билмай, шу ишни уйлаб топганим, — деди.

Қиссалар ҳисси: **Моддий аҳволингиз қандай бўлишдан қатъи назар, ҳаётингиздан уялманг. Ўзлагингизча бўлинг! Маънавий қашшоқлик уялмишга арзигулик ҳол, аслида.**

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат ҚОДИРОВ,
Евгений БИРГЕР, Тўққин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

Газета
ҳафтанинг
жума кунини
чиқари

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-943 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 2914 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толдирмаржон кўчаси, 6-уй.

Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.
Навбатчи: Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда Бухорода Жиззахда
226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64

Наманганда
(91) 353-71-25

Навоийда
225-91-10

Нукусда
554-35-45

Самарқандда
(91)557-84-44

Термизда
(91)235-88-68

Тошкентда
291-43-28

Урганчада
(97) 211-65-05

Фарғонада
244-18-05

Қаршида
(93)931-08-99